БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
3 февраль
Шанба
№ 24 (13. 460).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Комсомол ишлари кундалиги: ФЕВРАЛЬ

ҚИСҚА ОЙНИНГ ТИҒИЗ ИШЛАРИ

САЛОМ КОМСОРГ! Бир муддатлик танаффусдан сўнг яна сен билан газета орқали кўришишга, фикрлашишга қарор қилдик. Бунга сабаб эса...

«Негадир кейинги пайтда газета саҳифаларида комсомол ишлари кундалиги берилмай қолди. Балки газета ходимлари у умумий ўқувчилар учун зерикарли деб ўйлашган бўлса керак. Бу бир ҳисобда тўғри ҳам. Ошкоралик туфайли ҳозир газета-журналлар қизиқарли, шов-шувли материалларга эътиборни кучайтириб юборишди. Лекин газета фақат шов-шувлардан иборат бўлмаслиги ҳам керак-ку. «Комсомол ишлари кундалиги» рубрикаси остида берилаётган тавсиялар айниқса биз узоқ ноҳияларда, колхоз ва совхозларда, бошланғич комсомол ташкилотларида ишлаётган комсомол ходимлари учун жуда ҳам зарур. Биз ўз иш фаолиятимизни асосан ана шу кўрсатмалар ва тавсиялар асосида ташкил қиламиз. Шунинг учун сизлардан илтимос, «Комсомол ишлари кундалиги» яна давом эттирилса».

Бундай хатлар, таклиф ва мулоҳазалар, қўнғироқлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг ахборот шўъбасига кўплаб тушмоқда. Шунингдек, Тошкентдаги республика комсомол ходимлари малакасини ошириш институтида қисқа муддатли ўқишларда қатнашаётган комсомол ходимлари ҳам бу фикрни маъқуллашди. Шуларга асосан бундан буён ҳар ойнинг бошида газета орқали комсорглар билан учрашувимизни давом эттирамиз.

ФАҚАТ СИЗЛАРДАН бир илтимос, бундан буён комсомол етакчиларига тавсияномаларимизни қай тарзда бериб борсак маъқул бўлади! Балки шу йўсинда давом эттираверайликми! Уларнинг янада жонлироқ, иш фаолиятингизда амалий аҳамият касб этиши учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз! Яна бир савол: биз тавсия этаётган тадбирларни ҳамиша ҳам ўз бошланғич ташкилотингизда ўтказишга улгураяпсизми! Ёки уларни амалга оширишда тўсқинликлар бўлаяптими! Балки шароит етишмаётгандир! Хуллас, булар ҳақида ҳам ёзиб юборишингизни сўраймиз. Ана шунда ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, «Комсомол ишлари кундалиги» сенинг ҳақиқий кўмакдошингга айланади, комсорг!

Манзилимиз: Тошкент ГСП, Парадлар хиёбони, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг ахборот шўъбаси.

ГАРЧИ ФЕВРАЛЬ ОЙИ энг қисқа бўлсада, комсомол ишида энг долзарб, аҳамиятли, тиғиз иш давридир. Биринчидан, узоқ муддат давом этган ҳисобот-сайлов кампаниялари ўз ниҳоясига етди. Ҳар бир бошланғич комсомол ташкилотлари яна бир бор унинг якунларини чиқаришлари, энди қиладиган ишларнинг аниқ режасини белгилаб олишлари лозим.

Шунингдек, бу йиғилишларда ноҳия, шаҳар ва вилоят комсомол қўмиталари ҳамда юқори комсомол органлари шаънига билдирилган мулоҳазалар учун ҳам улардан жавоб талаб қилиш сенинг ўз ташкилотинг олдидаги обрўйингни белгилаб беради, комсорг! Куни кечагина якунланган вилоят комсомол конференцияларининг материаллари билан танишиш, уларни ўз ташкилотингда ёшлар билан ўрганиб чиқиш, комсомолдаги қайта қуриш ишини илдам суръатлар билан бориши учун вилоят конференцияларининг асосий йўналишларини аниқлаб олиш ҳам ўз ташкилотинг ишининг самарали бўлишини белгилаб беради.

Февраль ойида комсомол ташкилотлари олдида турган энг муҳим, энг асосий вазифа— бу Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советларга сайловлардир. Комсорг, ўзингни ва ўз ташкилотингнинг асосий куч ва имкониятларини яшаб турган жойларингдан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган комсомолларни қўллаб-қувватлашга, уларни кенг тарғиб қилишга, муҳими, бу номзодларни депутат бўлиб сайлаш ишига қаратмоғинг керак. Шуни яхши бил, комсомолнинг келгуси обрў ва мавқеи унинг советлар ишидаги ролига, айниқса маҳаллий советлардан тортиб, Олий Советгача бўлган даражадаги депутатларига боғлиқдир. Шунинг учун фурсатни бой бермай, ҳамма ишни, бутун ҳаракатни сайловга қарат.

26-27 февраль кунлари Тошкентда ВЛКСМ XXI съездига сайланган Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонлик делегатларнинг регионал кенгаши бўлиб ўтади. Унинг қатнашчилари комсомолнинг навбатдан ташқари бўладиган олий анжуманида ўзлари биргаликда ўртага қўядиган масалаларнинг умумий йўналишларини белгилаб олишади.

28 февраль куни эса Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг VII пленуми бўлиб ўтади. Пленум иштирокчиларининг ҳам муҳокама қиладиган асосий масалалари Москвада съездда республика комсомоли қай позицияда бўлиши, қандай ҳаракат дастурини эгаллаши, Ўзбекистон комсомол ташкилоти олдида турган энг муҳим муаммоларни қай тарзда ўртага қўйиш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олишдир. Комсорг, ўйлаймизки, бу масала жумҳуриятимиздаги ҳеч бир комсомол аъзосини бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун, ўз ташкилотингда кенгашиб, пленум қатнашчилари қайси масалаларга жиддий эътибор қилишлари лозимлиги ҳақида, Москвада қайси муаммоларни қай йўсин муҳокамага қўйишлари ҳақида йиғилган мулоҳазаларни Марказий Қўмита пленуми адресига ёзиб юборишинг мумкин.

Олий ўқув юртларида қишки имтиҳон сессиялари давом этмоқда ва якунланмоқда. Комсомол ташкилотлари талабаларнинг имтиҳонларни муваффақиятли топширишлари учун шарт-шароитларни ҳозирлаш учун куюнчаклик кўрсатишлари керак.

Чорвачилик билан шуғулланадиган жойлардаги комсомол ташкилотлари учун бу ой икки ҳисса масъулиятлидир. Сабабини яхши биласиз — қишлов. Унинг беталофат ўтиши, ёш чорвадорлар учун ишлаш ва дам олиш учун елиб-югуриш ҳам сенинг зиммангга киради, комсорг. Чорвачилик ўтовларида маданий тадбирларни ташкил қилиш, бадиий ҳаваскорлик ансамблларининг программаларини уюштириш ҳам бу ишга қўшган озми-кўпми ҳиссанг бўлади.

Февраль ойи юқорида айтганимиздек, қисқа, тез муддатда ўтиб кетадиган ой бўлса-да, бир талай байрамларга, катта-катта тадбирларга бойдир. 8 февраль куни республика комсомол-ёшларининг энг севимли газетаси бўлмиш «Ёш ленинчи» ўзининг 65 йиллик байрамини нишонлайди. Бу газета ҳақидаги ўз ташкилотинг ёшлари фикр-мулоҳазаларини, байрам истакларини йўллашинг, унинг келгусида янада ўқишли ва сермазмун бўлишини белгилаб беради.

9 февраль куни эса улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг таваллуд топган кунларидир. Навоийхонлик кечаларини, ғазал мушоираларини, турли конкурс ва учрашувларни ташкил этишда бевосита комсомол ташкилотларининг етакчилик қилиши улар ишининг яна бир қиррасини очиб берган бўлур эди. 23 февраль куни ўзинг билган байрам — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунидир. Ўз ташкилотингдан ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни табриклаш, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳарбий комиссариат хизматчилари билан учрашувлар ташкил қилиш, шунингдек, бу учрашувларда ёшларни Совет Армияси сафида хизматга тайёрлаш масаласидаги муаммолар ҳақида рўйи-рост гаплашиш байрамнинг умумий руҳини асло бузмайди. Балки, унга амалий аҳамият касб этади.

25 февраль 1986 йил Москвада КПСС-нинг XXVII съезди очилган эди. Бу съезд мамлакатимизда қайта қуриш ва ошкоралик тантанаси учун қўйилган биринчи қадам бўлди. Орадан ўтган даврда нималарга эришганимиз ўзингга аён. Нималарни йўқотганимиз ҳам. Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам бу съезд тарихга янгиланиш ва покланиш съезди бўлиб кириши аниқдир. Бу кун ўз ташкилотингда бу олий анжуманнинг тарихий аҳамияти ҳақида ўзаро суҳбатлар ўтказсанглар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хуллас, февраль ойи тадбирларга бой ой. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтириш шарт эмас. Энг муҳими, иш. Комсомолнинг обрўси эндиликда фақат амалга оширилган ишлар билан белгиланади. Иш эса энг аввало бошланғич комсомол ташкилотларида кўзга кўринади. Демак, комсомолнинг обрўси биринчи галда сенга боғлиқ, комсорг! Буни унутма!



Маълумки, кўпгина мактабларда ўқувчилар компьютерлар билан «муомала» қилишни анча ўзлаштиришиб олишган. Сиз суратда кўриб турган ўқувчилар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Чунки улар таълим олаётган Тошкент вилоятига қарашли Тошкент ноҳиясидаги Киров номли 9-мактаб хоналаридан бири яқинда компьютерлар билан жиҳозланди.

СУРАТДА: ёш мутахассис Зафар Раҳмонов юқори синф ўқувчилари билан навбатдаги машғулотни ўтказмоқда.

Сураткаш: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

МУДДАТ ҚИСҚАРДИ

БИНОКОР темирйўлчилар ғиштдан бунёд этиладиган саноат ва граждан бинолари қурилиши муддатини қисқартирдилар. Бунда Тошкент яқинидаги Бинокор посёлкасида, йўл қурилиши трестининг бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида ишлаб чиқарилаётган кўтарма ҳавозалар ёрдам берди. Кўтарма ҳавозалардан Бухоро, Чоржўй, Ленинободдаги қурилиш-монтаж поездлари фойдаланмоқда.

Ҳамма ишлар ҳавозалардан материалларни йиғиштирмаган ҳолда амалга оширилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу ҳавозалар ёрдамида қаватлар 10-15 фоиз тезроқ қад кўтаради. Ўрта Осиё темир йўли пассажир хизмати бош инженери В. Шчупак ғишт терувчилар меҳнатини енгиллаштиришга мўлжалланган ушбу ихтиронинг муаллифидир.

(ЎзТАГ).

МУЛКЧИЛИК—ҚОНУН ДОИРАСИДА БЎЛСИН

Қайта қуриш муваффақият қозониши учун совет ҳокимияти инқилобий ўзгартишлар давомида иккита кўп бошли маҳлуқни енгиши керак. Кам деганда иккитасини енгиш керак. 1 февраль куни СССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилган халқ депутатлари шундай деб ҳисобламоқдалар. Ана шу маҳлуқлардан — пинҳоний иқтисодиёт, иккинчиси — идораларнинг тақсимлаш соҳасини «юқоридан қуйига» деган эски принцип асосида ўз қўлларида сақлаб қолишга уринишларидир. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг меҳнат, нархлар ва ижтимоий сиёсат комиссиясида ҳаяжонли, муросасиз фикрлашишни келтириб чиқарган Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида ана шу икки маҳлуқ тўғрисида индамай ўтиб бўлмас эди.

Аввало шуни айтиш керакки, мулкчилик тўғрисида Қонун бўлмаса ана шу маҳлуқларнинг калласини узиб бўлмайди, деган умумий фикр устунлик қилди, аммо сал бошқачароқ фикрлар ҳам бўлди. Лекин Қонунни қабул қилиш чоғида ўша маҳлуқларнинг олов пуркайдиган бошларидан бирортаси ҳам яна ўсиб чиқиши учун имконият қолдирмаслик муҳимдир.

Мамлакатимизда мулкчилик тўғрисидаги Қонун фақат шу ғалабани, деб қабул қилинмайди, албатта. Лекин депутатларнинг якдил фикрига қараганда, бундай ғалабасиз олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиб бўлмайди. «Пинҳоний» пулларни қандай қилиб тортиб олиш, социалистик иқтисодиётга ўз Ватанимиздаги янги чиққан бойлар қўшаётган ҳиссани қай йўсинда фалаж қилиб қўйиш мумкин? Нотиқлар таъкидлаганларидек, давлат ҳозиргача ҳам ана шу иллатга қарши курашда кўп жиҳатдан ожизлик қилмоқда. Ҳукумат энг сўнгги чораларини кўришга — «мувозий» пулни ишга солишга ботинмаяпти. Бунинг устига, комиссия аъзолари айтиб ўтганларидек, ҳукумат бир қўли билан пинҳоний иқтисодиётга қарши курашмоқда, иккинчи қўли билан эса уни мустаҳкамламоқда. Олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар нархининг яқинда оширилганлиги бунга ишонарли мисолдир.

Бошқа жиҳатига — моддий бойликларни тақсимлаш ва бундан аппаратнинг ўта манфаатдорлигига келганда эса, бу ҳокимият тўғрисидаги масаладир, ҳокимиятни эса ким қўлдан чиқаргиси келади? Бундай аҳволда «маҳлуқ»нинг ҳамма бошини бараварига кесиб ташлаш керак, аммо қонун чиқарувчиларнинг ўзлари бу ишни уддалай оладиларми? Депутатлар А. В. Волков билан В. А. Вобликов жуда тўғри айтишди: жамиятимизда ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муаммоларини фақат халқ ва унинг иродасини ифода этадиган қонунгина адолатли ҳал этиши мумкин.

Эълон қилинган қонун лойиҳасида депутатларга нималар мақбул бўлмаяпти? Аввало шуниси маъқул бўлмаяптики, лойиҳада мулк фақат ҳуқуқий чора сифатида талқин этилмоқда. Депутатлар эса масалага чуқурроқ қарадилар, чунки ҳамма нарса — иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура мулкчилик билан «боғлаб қўйилган». Комиссия ҳар томонлама чуқур муҳокамадан кейин қонун лойиҳаси биринчи бўлими биринчи моддасининг аслида бошқа вариантини таклиф қилди. Унинг энг асосий жиҳатини — тушунчанинг ўзи қандай таърифланганлигини келтириб ўтамиз: мулкчилик бошқариладиган объектни (мулк объектини), бошқарувчи субъектни (мулк субъектини) ва алоқани (мулк муносабатларини) ўз ичига оладиган бошқарув системасидир. Унинг асосий принципи: социалистик мулкчилик ходимларни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштириш ва одамни одам эксплуатация қилиши билан келиша олмайди, деб таъкидлашди депутатлар.

Масалани тайёрлаш чоғида меҳнаткашларнинг юзлаб хатлари, сайловчилар билан учрашувларнинг натижалари таҳлил қилинди, деди комиссия раисининг ўринбосари Р. А. Убайдуллаева ТАСС мухбири билан суҳбатда. Ана шу таҳлил комиссияга Қонун лойиҳасининг энг муҳим қоидаси бўлмаганда ҳам муҳим қоидалардан бирини баён этиб беришга ёрдам қилди: СССРда айрим шахс ёки оилавий, миллий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий муносабатлар билан бирлашган гражданларнинг ҳар қандай гуруҳлари мулк эгаси бўлишлари мумкин.

Олға сурилган бундай қоидаларга бошқа комиссиялар ва комитетларда, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида қандай қарашаркин? Омон бўлсак кўрамиз.

И. НОВИКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

ЁШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ

Жумҳуриятимизда комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Уларда комсомол ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда ВЛКСМнинг XXI съездига делегатлар сайланди. Биз Ленин комсомоли юқори органига сайланган делегатларни таништиришни давом эттирамиз.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

Абдусатторов Комилжон — Ғаллаорол ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Species Бобоёрова Дилфуза — Ворошилов ноҳиясидаги ўқувчи-ёшлар бригадаси бошлиғи, 11-ўрта мактаб ўқувчиси.

Ғалтемиров Шерали — Янгиер шаҳридаги Ҳамза номли совхоз ишчиси.

Махумов Марат — Мирзачўл ноҳиясидаги Абай номли совхоз-техникум комсомол қўмитасининг котиби.

Нуралиев Мамадиёр — Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номли совхознинг комсомол-ёшлар бригада бошлиғи.

Оллоёров Зафар — Зомин электромеханика заводининг слесари.

Одинаев Жўрабой — Фориш ноҳиясидаги «Фориш» совхозининг чўпони.

Петрова Ольга — Гулистон шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Пиримқулов Эркин — Ғаллаорол ноҳиясидаги «1 Май» совхозининг 1-бўлим бошқарувчиси.

Раҳмонбердиев Ҳабибулло — Жиззах Давлат педагогика институтининг толиби.

Тўхтабоев Умарали — Ўзбекистон ЛКСМ Сирдарё вилоят қўмитасининг биринчи котиби.

Тургенова Муқаддас — Оқолтин ноҳиясидаги Ворошилов номли совхознинг сут соғувчиси.

Муштарийларимиз эътиборига

Инқилобий қайта қуриш ва ошкораликнинг ҳаётбахш шабадаси жамиятимизнинг барча жиҳатларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатяпти. Жамиятимизда покланиш, фаоллик, ўзлигини намоён этиш кўзга ташланмоқда. Шу жумладан, комсомол-ёшлар ва йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий интилишлари бир хил эмаслиги, манфаатлари турли-туманлиги яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги вақтларда комсомол қўмиталарига боғлиқ бўлмаган кўплаб ёшлар уюшмалари, ҳаракатлари вужудга келаётганлиги ва уларнинг ривожланиб бораётганлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур ҳолат Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси жумҳурият ёшлари ташаббуслари билан тузилган уюшмаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқишини тақозо этди. Шундан жумҳурият ЛКСМ Марказий Қўмитасининг VI пленуми барча ёшларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига комсомол яккаҳокимлик қилмаслиги зарур, деб топди. Шунга мувофиқ тарзда Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қайта тузилди.

Ҳурматли муштарийларимиз! Биз бугун Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг Устави лойиҳасини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

2-бетга қаранг!

ОЗАРБАЙЖОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

◆ **Боку.** (Озаринформ — ТАСС). Эрталаб ТАСС мухбирлари темир йўл вокзалида бўлишди. Бундан икки ҳафта илгариги шов-шув, ўр-йиқитлар камайиб қолганди. Кассаларнинг бири олдида тахминан 10—15 киши навбат кутиб турар ва бир аёл кассир хотин билан бафуржа сўзлашарди. Биз у билан танишдик. Лидия Ивановна асли бокулик, «Электроцентролит» заводида ишчи. Отаси рус, у ҳам асли бокулик. Онаси бу ерга Татаристондан келган. Лидия Ивановна фарзандларидан бирига билет олиш учун вокзалга келибди. У кетмоқчи эмиш. Бошқа фарзанди ҳам шу хаёлда экан, лекин ҳозирча бир қарорга келмабди.

— Бу ерда қўшинлар киритилгунича ва ундан бир неча кун ўтганидан кейин ҳам нималар бўлмади, дейсиз, шаҳарликларнинг кайфиятини айтмайсизми, қанақа миш-мишлар тарқамади? — дейди Лидия Ивановна. — Очиғини айтсам, ўзим ҳам кетмоқчи бўлдим. Бугун ҳам маҳаллий маъмурлар хавфсизлигимизга тўла кафолат бера олмаётганликларини сезиб турибман.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советида ўтказилган учрашувларда одамлар январь воқеаларини бир оз бўлса-да унутишларига ёрдам бериш, уларда эртанги кунга ишонч туғдириш, республикани танғликдан олиб чиқиш, рисоладаги осойишта ҳаётга ва меҳнат маромига қайтиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Йиғилганлар ҳузурида Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Муталибов ва Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси Г. А. Гасанов нутқ сўзладилар.

Республиканинг янги раҳбарлари танглик ҳолатини бартараф этиш йўллари энг аввало Озарбайжон иқтисодий мустақиллиги принципини амалда рўёбга чиқаришда, деб биладилар. Ўлкада юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо беришда бу вазият Тоғли Қорабоғ автоном областида ва унинг теварагида рўй бераётган воқеалар билан узвий боғлиқлиги айтилди, жамиятдаги барча соғлом ҳаракатлар билан ошкора, кенг мулоқот олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Москвадан Озарбайжон пойтахтига Ғарбдаги энг катта ахборот агентликларининг 19 вакили, АҚШ, Буюк Британия, ГДР, Туркия тележурналистлари етиб келдилар.

Матбуот конференциясида уларнинг саволларига СССР Қуролли Кучларининг, Озарбайжон ССР партия ва Совет органларининг намояндалари жавоб қайтаришди.

Боку коменданти генерал-лейтенант В. Дубиняк Озарбайжон пойтахтида комендантлик соати қачон бекор қилиниши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бундай деди: қўмондонлик комендантлик соати тартибини юмшатишнинг тўрт босқичли графигини ишлаб чиқди, бу графикда комендантлик соати вақтини навбатма-навбат яна бир соат қисқартириш, бронетехникани шаҳар кўчаларидан олиб чиқиш, келгусида қуролсиз соқчилик қилиш ва ниҳоят, комендантлик соатини бекор этиш кўзда тутилган.

* * *

◆ **Нахчиван.** Нахчиван АССРдаги вазият анча яхшиланиб қолди. Ўқув юртларида машғулотлар бошланди. Энг катта саноат корхоналари — шиша идишлари заводида, минерал сув бирлашмаларида, гилам тўқиш ва трикотаж бирлашмаларида технология линиялари ишга тушди.

Автоном жумҳуриятда кейинги уч кун ичида 20 киши КПСС сафига кирди. Ўнлаб йигит ва қизлар партияга қабул қилиш тўғрисида ариза ёзиб, бошланғич партия ташкилотларига бердилар.

◆ **Ганжа.** Шаҳардаги кескинлик пасаймоқда, ҳаёт ўз маромига тушмоқда. Партия, совет ва хўжалик идоралари амалга ошираётган режалар ўз натижасини бермоқда, саноат корхоналарининг аксарият кўпчилиги, транспорт ва хизмат соҳаси корхоналари иш маромини тикламоқда.


Машинасозлик заводида М. Гусейнов номли маҳаллий гилам тўқиш комбинати ўзига буюрилган 60 та гилам тўқиш дастгоҳининг биринчисини тайёрлади.

Бироқ, асбобсозлик заводининг юзлаб ишчилари ҳали ишга чиқмадилар.

◆ **Сумгаит.** Шаҳарнинг «Оргсинтез», «Химпром», «Сумгаитбитхим», «Синтезкаучук» деб аталган йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва заводлари, бошқа етакчи корхоналари ҳали ҳам маҳсулот ишлаб чиқармаяпти. Аллюминий заводида фақат электролиз цехи ишламоқда — бу цех технология режими узлуксиз бўлганлиги сабабли бир дақиқа ҳам ишдан тўхтагани йўқ. Шаҳардаги вазият осойишталигича қолмоқда.

◆ **Барда.** Район мелиораторлари, энергетиклари, енгил саноат ходимлари ўз иш жойларига қайтишди. Меҳнат коллективларининг кўпчилиги бой берилган имкониятларни қайтариш учун ғайрат қилмоқдалар. Район автобазалари шошилинч иш режимига ўтишди.

«ЧАҚАЛОҚ ЙИҒЛАСИН» ДЕЙМАН,



АНА ШУНДАГИНА ОНАЛАР КЎКРАКЛАРИНИ ТУТАДИЛАР

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 436-Тошлоқ сайлов округидан номзоди рўйхатга олинган Ҳасанбой САТТОРОВ билан бўлган суҳбатимиз давомида ушбу ибора кўп бор тилга олинди.

— Биз оталаримиз тутган йўлнинг қай даражада хато эканлигини англаб етдик. Улар йўл қўйган хато учун бизлар жавоб бермоқдамиз. Уларнинг сукути қанчалар қимматга тушгани ҳеч кимга сир эмас.

— **Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар орасида 30 ёшгача бўлганлар атиги 85 кишини, яъни рўйхатдагиларнинг 7,5 фоизини ташкил этгани Марказий сайлов комиссиясининг раиси билан СССР халқ депутати Аҳмаджон Ғуломов суҳбатида тилга олинди. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Аввалambor комсомолларга бўлган ишончнинг даражаси кетганини айтмоқчиман. Ўша суҳбатда комсомол етакчиларидан номзоди рўйхатга олинганлар борйўғи 7 кишини ташкил этгани ҳам шундан далолат беради. Айрим жойларда ҳанузгача реже асосида комсомолга қабул уюштирилаётгани кечириб бўлмас ҳолдир. Комсомол ўз мавқеини ўзи оёқ ости қилаётир, дегувчиларни ноҳақликда айблаб бўлмайди.

— **Сайловолди ҳаракат дастурингизда қандай вазифаларни илгари сургансиз?**

— Мен ноҳиядаги чекка бир қорхонанинг ишчисиман. Жумҳурият миқёсида фикр юритсам, хатолика йўл қўйманман, деб қўрқаман. Бироқ бизнинг муаммоларимиз жумҳуриятимиздаги барча вилоят ва ноҳияларда ҳам мавжуд эканига шубҳа қилмайман. Мен хизмат қилаётган нотўқима материаллар ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотини Киров ва Кишинёв вилоятларига юборади. У ерда эса маҳсулотларимиз 4—5 барobar қимматга пулланади. Ҳақиқатан, шу хом ашёни қайта ишловчи корхоналар қуриш шунчалик қийин бўлса. Мингабод ишсиз ёшларимиз бор. Эътибор беринг, ишчи кучи бор, хом ашё бор, фақатгина ишлаб чиқарувчи қувват яратсак бас экан. Мен ана шу масалаларни ҳал этишга уринмоқчиман.

Маълумки, водийда кўшимча ишлаб чиқарувчи қувватларни яратиш тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарори бор. Бироқ буни амалга оширишга етарли даражада назорат қилинмаяпти. Яна бир масала. Болалар — бизнинг келажагимиз, деб кўкрак кериб келдик. Аввало ҳолатидаги мактаблар, билим юртлари, мурғак болаларимиз илк тарбия олаётган боғчалар қанча? Бу муаммолар биринчи галда ҳал қилиниши керак. Айниқса, қишлоқ мактабларидаги аҳволга ачинасан киши. Болаларга таълим бераётган ўқитувчиларнинг билим савияси ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Ҳарбий хизматга чақирилаётган юртдошларимизнинг аксариятини «қурилиш отрядлари» қабул қилаётгани, олий ўқув юртига кириш учун таниш-билишни қидиришга уринишлар айнан ана шу касаллик оқибатидир. Қайта қуриш шарофати билан рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаётирмиз. Лекин қайта қуриш шамолининг кучсиз оқимигина қишлоқ кўчаларига етиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз тақдири ҳақида жуда кам ғамхўрлик қилинмоқда. Ўйлайманки, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг илк йиғилишларида бу муаммолар учун ечим изланади.

— **Бугунги ёшлар кўнглидаги ташвишлардан оғоҳ кишиси сифатида нима дея оласиз?**

— Яна ўз ноҳиямиздан мисол келтирай. Тошлоқлик ёшлар учун яхшигина биронбир «Ёшлар уйи»га, маданият саройига, спорт комплексларига эга эмас. Ёшларга шароит яратилаётир, дегувчи комсомол раҳбарларининг субутсизлиги оқибатида мавжуд нуқсонлар йилдан йилга кўчиб бормоқда. Бунга чек қўйиш керак. Токи ижтимоий-маданий шарт-шароитга муҳтож халқимиз бошига яна Фарғона фожиалари тушмасин. Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир киши ўзининг бор имкониятларини ишга солиши керак.

1962 йилда Тошлоқ посёлкасида ишчи оиласида туғилган, ҳозирда ноҳия нотўқима материаллар фабрикасида созловчи бўлиб хизмат қилаётган ВЛКСМ аъзоси Ҳасанбой Сатторов номзоди 436-Тошлоқ сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига рўйхатга олинган. Округда у билан бирга яна беш номзод депутатликка даъвогар. Демак, курашнинг дақиқалари ҳали олдинда. Тошлоқликлар бўлажак сайлов натижалари жумҳуриятимизнинг эртанги кунини ҳал қилишини яхши тушунишларига шубҳа қилмаймиз.

М. АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ УСТАВИ

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси (ЁТҚ) Ўзбекистон ССР, СССР Конституцияси доирасида ва СССР эътироф этган халқаро шартномаларга мувофиқ иш кўрувчи жумҳурият ёшларининг ташкилотларини, уюшмаларини, ҳаракатларини кўнгилли равишда ва демократик асосларда бирлаштирувчи ижтимоий ёшлар ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

— ижтимоий-сиёсий ҳаётни инсонпарвар қилиш, ер юзида тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиётга эришиш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларида жумҳуриятдаги ёшлар ташкилотлари, уюшмалари ва ҳаракатларининг кучғайратларини бирлаштириш;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг руҳи ва мақсадларига мос келадиган турли халқаро, умумиттифоқ ва жумҳурият миқёсидаги тадбирларда Ўзбекистон ёшларининг иштирокини таъминлаш;

— жумҳурият ва мамлакатда яшовчи миллат ва элатларнинг маданий меросини сақлаш ва ривожлантиришга ёрдамлашиш, шунингдек, жаҳон халқларининг умуминсоний ва миллий қадриятларини тарғиб қилиш;

— хорижий элларда ги ёш ватандошлар билан алоқалар ўрнатиш, уни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

— Ўзбекистон ССРда ишлаётган ёки ўқиётган хорижий фуқароларнинг юртдошлик жамиятлари, регионал қўмиталари, ёшлар иттифоқларининг бўлинмалари билан ўзаро мақбул асосда ҳамкорлик қилиш;

— ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

— ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва замонанинг бошқа муаммоларини ҳал этишда жумҳуриятдаги мавжуд ёшлар ташкилотлари, уюшмалари, ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, илмий-техникавий, ижодий ва бошқа ташаббусларини молиявий, ташкилий ва маънавий жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида олиб бориладиган ёшлар муаммоларини тадқиқ қилишга зарур ёрдам кўрсатиш;

— халқ дипломатиясининг ёшларга мос шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш;

— ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун ва бошқа ташаббуслар воситасида ҳимоя қилиш;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун хўжалик ҳисоби асосида СССРда ва хорижий элларда хўжалик фаолиятини амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИГА АЪЗОЛИК

Ёшлар ташкилотлари қўмитасига коллектив тарзда аъзо бўлинади. Ёшлар ташкилотлари қўмитасига аъзо бўлиш мумкин:

— юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ёшлар ташкилотлари;

— Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ иш кўрувчи ёшлар ташаббуси билан тузилган уюшмалар; қизиқишга кўра тузилган клублар ва ҳаваскорлик уюшмалари;

— давлат, ширкатчилик (кооператив), жамоа ва диний ташкилотлар таркибидаги ёшлар секциялари.

Аъзо бўлган коллектив мазкур Уставни эътироф этиши, Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун иш олиб бориши, кириш ва аъзолик бадалларини тўлаши керак. Аъзолик бадалларининг миқдори ва тўлаш тартибини Ёшлар ташкилотлари қўмитаси кенгаши Ёшлар ташкилотлари қўмитасига кирган ҳар бир ташкилот учун унинг аъзоларининг сони ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишув бўйича белгилайди.

Ёшлар ташкилотларини (уюшмалар, клублар ёки секцияларни) Ёшлар ташкилотлари қўмитаси аъзолигига қабул қилиш умумий йиғилишлар ўртасидаги даврда ЁТҚ кенгаши томонидан амалга оширилади. Кенгаш қарори шундан сўнг умумий йиғилишда тасдиқланиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

— Ёшлар ташкилотларининг ҳаракатномасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашиш;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ёрдамида хорижий эллардаги ёшлар ташкилотлари билан халқаро алоқаларни йўлга қўйиш;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг умумий йиғилиши ишида қатнашиш;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг мувофиқлаштирувчи органларига сайлаш учун ўз вакилларини кўрсатиш;

— ўз вакиллари орқали Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раисини, Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг кенгашини сайлаш,

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг фаолияти ҳақида маълумот олиш;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси кенгашига маълум қилиш шарти билан Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси таркибидан чиқиш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

— мазкур Уставга киритилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг аъзоси сифатида иш олиб бориш;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси доирасида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасини хабардор қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Йилда бир марта чақириладиган жумҳурият Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг умумий йиғилиши Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг олий мувофиқлаштирувчи органи бўлиб ҳисобланади. Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ҳар бир аъзоси битта ҳал қилувчи овозга эгадир.

1. ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг Уставини қабул қилади ва унга ўзгартиришлар киритади:

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишларини белгилайди. Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ёшлар билан ишлаш мақсадида тузилган программаларини ва бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг кенгашини ва раисини сайлайди;

— Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси кенгашининг ва раисининг йиғилишлар ўртасидаги олиб борган ишлари ҳақидаги ҳисоботини эшитади;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасига янги аъзолар қабул этиш ва ундан чиқариш ҳақида қарор қабул қилади;

— СССРнинг сайловлар тўғрисидаги Қонунига мувофиқ халқ депутатлигига ўз номзодларини кўрсатади.

ИЗОҲ: умумий йиғилишда қабул қилинган ва Ёшлар ташкилотлари қўмитаси аъзоларидан бир қисмининг фикрига зид келувчи қарор ўшалар учун мажбурий ҳисобланмайди. Ташкилий Устав масалалари бундан мустаснодир. Умумий йиғилиш қароридан норозилик ҳақида йиғилиш мобайнида ёки у тугагандан сўнг маълум қилиш зарур.

2. ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАШИ

Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг кенгаши икки йил муддатга тўғри ёпиқ-яширин овоз бериш орқали сайланади.

Кенгаш аъзолари сонини Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг умумий йиғилиши белгилайди.

Ёшлар ташкилотлари кенгаши:

— жамоатчилик асосида ишлайди;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ижроия органлари тузилишини ва таркибини тасдиқлайди, шунингдек, унинг фаолиятини назорат қилади;

— кенгаш раисини сайлайди;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилади;

— ҳар кварталда бир марта Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раисининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитади:

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси умумий йиғилиши қарорларининг ижросини назорат қилади;

— кенгаш таркибидаги рўйхатдагиларнинг учдан икки қисми маъқуллаган ҳолларда Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раисига ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга (бундай чоғда Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилади);

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ва эксперт комиссияларини тузади.

3. ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ

Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси умумий йиғилишида тўғри ёпиқ-яширин овоз бериш орқали сайланади.

Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг камида бешта аъзоси кафил бўлган тақдирда Ёшлар ташкилотлари қўмитаси раислигига номзод рўйхатга олинади.

Ёшлар ташкилотлари қўмитаси аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берган номзод сайланган деб ҳисобланади. Бирорта' номзод ҳам керакли миқдорда овоз ололмаган ҳолда, қайта овоз бериш ўтказилади. Унда олдинги турда энг кўп овоз олган икки номзод қатнашади.

Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси икки йил муддатга сайланади ва бу лавозимни кетма-кет икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ижроия органларини тузиш ва уларнинг ишига раҳбарлик қилиш;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси фаолиятининг ҳаракатномасига (программасига) ва бюджетига мувофиқ молиявий маблағларни ишлатиш;

— бошқа совет ва хорижий эл ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг вакиллиги;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг жорий ташкилий ишларини амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ижтимоий ташкилот сифатида юридик шахс бўлиб ҳисобланади. Бланкасига, муҳрига ва банк муассасаларида ўз ҳисобига эга бўлади. Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилоти қўмитаси Тошкент шаҳрида жойлашган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ МАБЛАҒЛАРИ

1. Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси маблағларининг вужудга келиш манбалари:

— аъзоларнинг пул бадаллари;

— Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ўтказадиган концертлардан, спектакль ва маросимлардан, шунингдек ўз хўжалик фаолиятининг барча турларидан тушумлар;

— турли давлат, жамоат ташкилотлари, муассасалар, ширкатлар (кооперативлар) ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари.

2. Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг маблағлари хорижий элдаги шерик ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларни амалга ошириш, жумҳуриятда ва хорижий элларда халқаро маросимларни, фестивалларни, дўстлик ҳафталикларини, меҳнат ва роҳат лагерларини ўтказиш, Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси аппаратининг ишлашини таъминлаш, нашриёт ва тарғиботчилик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ЁТҚнинг иш ҳаракатномасида ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланилади.

ИЗОҲ: ташаббускор гуруҳнинг иши ва Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг Низоми лойиҳасини Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасини Ёшлар ташкилотларининг уюшмаси ёки федерацияси тарзида қайта тузиш таклифи киритилди. Бу унинг ҳозирги кундаги мақсад ва вазифаларига кўпроқ мос келади.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг VI пленуми қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қайта тузилади. Шу муносабат билан жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси рамзининг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилишга қарор қилди. Конкурс муддати ушбу қарорлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давом этади.

Ғолиблар учун учта мукофот таъсис этилди:

Биринчи ўрин учун — 150 сўмгача;

Иккинчи ўрин учун — 100 сўмгача;

Учинчи ўрин учун — 80 сўмгача.

Ютқазиб қўйганмиш-а?

ДУШАНБЕ. Тожикистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида ўтказилган матбуот конференциясида журналистларни Абдулҳамид Давлатов иши бўйича олиб борилган тергов натижалари ва республика Олий судининг қарори билан таништиришди.

Хўш, бу одамни Ватанга хоинлик йўлига киришга нима мажбур этди? Унинг ўзи бу саволга: 1988 йилнинг ёзида қартабозлик қилиб катта миқдордаги пулни бой берганлигим ва 20 минг сўм қарзни тўлаш имконим йўқлиги сабабли чет элга ўтиб кетишга қарор қилдим, деб жавоб беради.

Тожикистон ССР Орджоникидзеобод район умумий овқатланиш корхонасига қарашли ошхоналардан бирининг ошпази чегарадан ўтиши биланоқ можаҳидлар тўдасига, сал кейинроқ эса Покистондаги қўпорувчилар тайёрловчи махсус лагерга тушиб қолади. 1988 йилнинг декабрида Давлатов қурол-яроғ ортилган карвон билан Афғонистоннинг шимолида пайдо бўлади. Ўтган йил январь ойининг бошида каттагина юк, инструкциялар, қурол-яроғ, қўпорувчилик руҳидаги адабиётлар ҳамда йўл кўрсатувчилар ҳамроҳлигида яширин равишда СССР ҳудудига ўтказилади. Бугун биз Пешаворда у олган инструкциядан парча келтиришимиз мумкин. «Тожикистон мусулмонлари жумласидан аввалига 20 кишини диний ва ҳарбий тайёргарликдан ўтиш учун Нангорҳор (Жалолобод вилоятининг марказига) жўнатинг, улар тайёрловдан ўтказилгандан сўнг Тожикистонга қайтадилар. Шундан кейин бошқа гуруҳни юборинг...

Республика ҳудудига қурол-яроғ ва озиқ-овқат сақланадиган омборлар, штаб (таянч пункти), можаҳидлар учун база ташкил қилинг.

Топшириқ оладиган ва рус армиясида хизматни ўтайдиган биродарларингиз Тожикистон можаҳидларига қурол-яроғ ва ўқ-дори омборлари қаерларда жойлашганини маълум қилишлари зарур. Бу омборларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да, қўлга олиш ёки портлатиб юбориш лозим...».

Давлатовнинг қайтиб келиши Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари томонидан қайд этилганди. У яширинишга, бекиниб ўтишга уринди, аммо бунинг иложи йўқлигини тушунгач ҳийла ишлатди: 16 февраль куни республика Давлат хавфсизлиги комитетига гуноҳкорларча бўйин эгиб келди-да, чегарадан қонунни бузиб ўтганлигини тан олди. Бошқа қилмишлари ҳақида лом-мим демади.

— Суд мураккаб бўлди, — дейди Тожикистон ССР Олий судининг аъзоси Н. А. Колобова. — Давлатов судда тўсатдан аввал берган кўргазмаларидан қайтди ва Ватанга хиёнат қилганлигини мутлақо инкор этди. Судда уни фош қилишга, гувоҳлар билан юзлаштиришга тўғри келди.

Суд тугади. Давлатов Жиноят Кодексининг бир йўла учта моддаси бўйича айбдор деб топилди: Ватанга хиёнат (Совет Иттифоқига қарши душманлик фаолиятини олиб боришда хорижий давлатга ёрдам бериш), чегарадан қонунга хилоф равишда ўтиш ва товламачилик. Жазо чораси — кучайтирилган тартибдаги лагерда сақлаш шарти билан саккиз йил муддатга қамалди ва мол-мулки мусодара этилди. Жиноятчи чегарани бемалол бузиб ўтган жойдаги чегара отряди номига хусусий ажрим чиқарилди.

И. СЕМИКИН.
Тожикистон ССР.

(«Сельская жизнь» газетасидан).

БУЮРТМА АСОСИДА

ФАРҒОНА вилоятининг Ўзбекистон ноҳиясидаги мотор ремонти заводи коллективи истеъмолчиларга янги маҳсулотнинг — сув иситадиган қозонларнинг дастлабки туркумини юборди.

Янгилик хусусий уйларни иситиш учун мўлжалланган, бундай уйлар вилоят қишлоқларида оммавий равишда қурилмоқда.

Бу йил заводда қишлоқ меҳнатчиларининг буюртмалари асосида беш мингтадан кўп шундай қозон тайёрлаб чиқарилади.

Хорижидан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

◆ **ҚОҲИРА.** Искандарияда студентларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди.

Искандария университетининг маъмурияти инженерлик факультетининг тўртта талабасини сиёсий сабабларга кўра ўқув юртидан ҳайдаб юборганидан сўнг душанба куни ғалаёнлар бошланиб кетди, деб хабар беради оппозициячиларнинг «Ал-Вафд» газетаси. Студентлар бу қарор дарҳол бекор қилинишини талаб этдилар. Бунга жавобан студентлар шаҳарчаси қўшинлар ва полициячилар томонидан қуршаб олинди.

Сешанба куни намойиш ва митингларда, «Ал-Вафд» маълумотларига кўра, 30 мингдан ортиқ киши иштирок этган. Улар қамал, фавқулодда ҳолат тўғрисидаги фармойиш бекор қилинишини ва университет устави талабалар ҳуқуқларини кенгайтиришни кўзда тутиб, дарҳол қайта кўриб чиқилишини талаб қилдилар. Инженерлик факультетининг студентлари ўқишдан ҳайдалган ўртоқлари билан бирдамлик белгиси остида очлик эълон қилдилар.

◆ **АФИНА.** Бу ерда Греция студентлари миллий уюшмаси талабаларга мурожаат қилиб, умуммиллий норозилик намойишини ўтказишга даъват этди. Бу намойиш Афина судининг 1985 йилда полиция билан студентлар тўқнашуви чоғида 15 яшар талабани отиб ташлаган полициячи Афанасиос Мелистасни оқлаш тўғрисидаги қарори муносабати билан уюштирилмоқда.

Ана шу тадбир доирасида студентлар Грециядаги барча университетлар ва бошқа олий ўқув юртларини ишғол этиш ҳамда уч кун мобайнида машғулотларни тўхтатиб қўйишга қарор бердилар. Афинада студентлар ҳозирдаёқ политехника институтини ишғол этиб у ерда муттасил митинглар ва йиғилишлар ўтказишмоқда, суд қарорини қоралашмоқда.

Бир гуруҳ анархистлар вазият кескинлашганидан фойдаланиб, ўтган кунларда Греция пойтахтида ва Салоникада полиция билан тўқнашувлар чиқарганлар.

МУҲОЖИРЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Лондон. (ТАСС). Исроил ҳукумати мамлакатга келаётган муҳожирларга қаерда жойлашиш тўғрисида кўрсатма бермоқчи эмас ва уларга «истаган ерда жойлашиш эркинлиги»ни беради. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Исроил ташқи ишлар министрлигининг сешанба куни эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Мазкур баёнотдан шу нарса равшанки, мамлакатга янги кўчиб келаётган кишилар агар хоҳласа Исроил босиб олган Араб территорияларига жойлашишлари мумкин.



ГДР. «Тюрингер альгемайне» — Эрфуртда нашр этилаётган кундалик янги газета ана шундай ном билан аталади. У ГБСП-СДП органи бўлган «Дас фольк» собиқ газетаси базасида чоп этилмоқда. Ҳозирги пайтда ана шу мустақил газета 400 минг нусхада чиқарилмоқда.

СУРАТДА: ГДРлик аёл янги газета билан танишаётган пайт.

АДН—ТАСС телесурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СЕМИРИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ!

◆ АГАР семиришни истасангиз кўпроқ телевизор кўринг. Йўқ, йўқ, яхшиси ойнаи жаҳонга камроқ тикилганингиз маъқул. Чунки семириш ҳам...

Гарвард дорилфунуни олимлари қизиқарли тажриба ўтказишди. Текшириш 6 минг нафар турли ёшдаги одамлар орасида олиб борилди. Маълум бўлишича, телевизорни бир кеча кундузда 3 соатдан ортиқ томоша қилинса, инсон оғирлиги ортиши тезлашаркан. Айниқса, 18 ёшдан 26 ёшгача бўлганлар орасида бу жараён янада тезкорлик билан кечаркан. Шунинг учун «Соғлиғинг — ўз қўлингда» деган иборани доимо ёдда сақламоқ даркор экан.

ЭНГ УЛКАН РАСМ

◆ ТИГНЕС сув омбори тўғони шу кунларда шаҳарнинг энг диққатга сазовор ерига айланиб қолди, деб хабар беради Кейстон агентлиги. Тўғонга қадимги грек афсонасининг қаҳрамони Гераклнинг расми чизилган бўлиб, расм 9500 квадрат метрни эгаллайди, баландлиги 64 метр. Бу иш француз рассоми Жан-Марк Пиерре ижодига мансуб.

СССРда бозорга асосланган иқтисод бўладими? Бу саволга шўро мутахассислари газетамиз саҳифаларида бир неча бор жавоб беришди. Бугун сўз америкалик йирик иқтисодчига. Айтадиларку, четдан қараганга яхшироқ кўринади, деб.

* * *

Бизнинг иқтисодий шарҳловчимиз Павел Вошчанов Нью-Йоркда таниқли америкалик олим, Нью-Йорк дорилфунуни ҳузуридаги иқтисодий таҳлил институти профессори, Нобель мукофоти лауреати Василий Леонтьев билан учрашди. Суҳбат марказида ниҳоятда долзарб ва қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган муаммо турибди. Бу муаммо айни пайтда фақат мутахассисларнигина ўйлантираётгани йўқ. Шўро иқтисодининг бугунги, асосийси эртанги куни қандай бўлиши унинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

* * *

Леонтьев Василий Васильевич, 1906 йилда Петербургда туғилган. Отасининг бобоси — деҳқон, бобоси — кичкинагина тўқимачилик фабрикаси хўжайини, отаси — Петербург дорилфунуни профессори. Келиб чиқиши «нопролетар» бўлганлиги кўпгина катта ва кичик кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлган бўлса-да, унинг Ленинград дорилфунуни талабаси бўлишига халақит беролмади. Гороховодаги ВЧК (БЧК — Бутунроссия фавқулодда комиссияси)нинг терговь хонасида ўтказган кунларини нохушлик билан эслайди. 1925 йилда, дорилфунунни тугатганидан сўнг табиблар унинг касалини тери раки деб изоҳлайдилар. Даволаниш учун чет элга кетишга рухсат сўраб ёзган аризасига кимдир танбаллик билан: «Керак эмас. Рухсат берилсин» деб имзо чеккан. Германияда иқтисодий-математик таҳлил борасида қилган дастлабки ишлари чоп этилди. Ўшандаёқ у бутун дунёга донг таратганди. Кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари уни иқтисодий маслаҳатчи сифатида таклиф қилишган. Иқтисодчилар орасида биринчилар қаторида Нобель мукофотига сазовор бўлган. 1988 йилда чиққан Шўро энциклопедик луғатида у ҳақда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Леонтьев буржуа сиёсий иқтисодидаги айрим ўринларни танқид қилгани ҳолда, капитализмдаги синфий қарама-қаршиликни рад этади».

— Кейинги пайтда газеталаримиз саҳифаларида ғарблик олимлар чиқиб шўро иқтисодидаги муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Тўғрисини айтадиган бўлсак, муштарийларимизнинг бунга муносабати турлича бўлмоқда: баъзилар четдан қараганга яхшироқ кўринади, дейишса, бошқалар мамлакатимиздан юзлаб, ҳатто минглаб километр нарида яшаб бу ҳақда ҳукм чиқариш яхши эмас, дейишмоқда. Учинчи тоифадагилар эса ғарблик шўрошунослар давлатимизнинг ашаддий душмани, шунинг учун уларнинг бирорта ҳам гапига ишонмаслик керак деб қатъий айтмоқдалар.

— Ғарбда ҳам сизларда бўлгани каби ҳар хил яхши олимлар ҳам, ёмон олимлар ҳам бор. Ҳозир билишимча, суҳбатимиз шўрошуносларнинг касб маҳорати ёки маънавияти ҳақида эмас... Мен шундай деб ўйлайман: олим бўлаётган жараёнлар маъносини тушуниши керак, унинг хулосаси ҳам мустақил бўлиб, кимларнингдир лўттибозлиги ёхуд манманлигига қарам бўлиб қолмаслиги лозим. Бу зарурий шартдир. Агарда олим бунга риоя этса унинг башорати тўғри бўлади.

— Охирги марта СССРда сиз бир йил муқаддам бўлгандингиз. Ушандан бери биздаги иқтисодий шароит анча ўзгарди, афсуски, ҳаммаси ҳам яхши томонга эмас. Айтингчи, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларимизни Сиз қачон кўра билгандингиз!

— Ҳаммасини бўлмасада, кўпини олдиндан шундай бўлишини билгандим. Мисол учун яқин бир-икки йил ичида ишлаб чиқариш кўлами, меҳнат унумдорлиги пасаяди, истеъмол бозоридаги вазият кескинлашади, деб ўйлагандим. Хўш, тушкунлик кайфиятидаги бу башорат нимага асосланганди? Сизлар ўтказаётган иқтисодий ислоҳотдаги бир зиддиятда, дарвоқе, буни бошқалар ҳам айтиб ўтишганди, кўрганман: яъни бюрократик иқтисод механизми тугатилмоқда, бироқ унга қарама-қарши бўлган бозорга асосланган иқтисод яратилмаяпти.

Бу нимага олиб келиши мумкин? Мисол учун илгари корхоналарни истеъмолчиларга керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур қилишарди. Жазодан қўрқиш ва маъмурий зўравонлик узоқ йиллар давомида иқтисодингизда уни ҳаракатга келтирувчи ўзига хос «двигатель» ва бир қадар бўлса-да муҳим таъминотнинг шарти вазифасини бажарди. Энди эса ана шу зўравонлик йўқ. Хўш, нима бўлди? Бир ёқлама, бунинг устига фақат ишлаб чиқарувчиларга берилган «эркинлик» ҳамон иқтисодий жиҳатдан ҳуқуқсиз бўлган жамиятга янада кўпроқ қийинчиликлар олиб келди. Бундай бўлмаслиги учун ҳар қандай хўжалик корхонасининг фаолияти бозор томонидан бошқарилиши, бозордаги «об-ҳаво»ни эса истеъмолчи белгилаши керак. Нима, қанча, қачон ишлаб чиқаришни бозор белгилайди. Ишлаб чиқарувчининг бозорга, истеъмолчига ва рақобатга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақилликка эга бўлиши қўпол маъмурий тазйиқдан ҳам кўра хавфлироқдир. Сиёсий томондан эса у бюрократик иқтисодни таъмирлашга хизмат қилиши мумкин, холос. Аксарият фуқаролар: «Илгари иқтисодда озгина бўлса ҳам тартиб бор эди!» дея орқага ташланган қадамни ёқлашлари ҳам мумкин.

1

Павел ВОШЧАНОВ.

БОЗОРДАГИ ОДАМ

— Америкалик йирик ишбилармонлардан бири менга: «Бозор — парламентда овоз бериш билан яратилмайди» деди. Мен унинг нимани назарда тутаётганини биламан. Ҳар қандай иқтисодий организм сингари бозор ҳам бир пасда юзага келмаслигини, бунинг учун кўпгина омиллар зарурлигини, бу узоқ ва қийин йўл эканлигини тушунаман. Сизнингча, у бизда нимадан бошланиши керак!

— Инсондан. Сизлар бошингиздан кечираётган иқтисодий қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири ана шунда. Унинг иқтисодий дунёқараши поймол этилган. «Қўл текизма! Ҳаддингдан ошма!» — шўро кишиларининг бир неча авлоди ана шундай таъқиқлашлар остида улғайди. Ривожланишнинг табиий ўлчовлари йўқотилган — ҳамма фожиа ана шунда. Бозорга асосланган иқтисодни кемага қиёслаш мумкин: руль — бу давлат бошқаруви, елкан эса — инсоннинг ташаббуси. Сизнинг иқтисодингиз эса ҳозирча елканлари тушириб қўйилган кема.

Ўз ҳаётини яхшилашга, турмушини фаровон қилишга бўлган интилиш асрлар давомида инсонни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ундаган. Табиатнинг ўзи берган ана шу омилни бошқа бирор нарса билан алмаштириб бўладими? Нима билан? Шиорлар ва чақириқлар биланми? Қўрқув ёки жазо биланми? Маълум вақтгача бу усул иш бериши мумкин. Бироқ турмуш қийинчиликлари бўғзига келган инсон эртами, кечми сўз ва ваъдаларга бўлган ишончини йўқотади. Егани олдида, емагани кетида бўлган бюрократия эса ҳатто мажбур қилишга ҳам қодир бўлмай қолади. Худди ана шу пайтда иқтисодий турғунлик юзага келади. Бу вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Сизнинг иқтисодингиз елканларини ким кўтариши мумкин? Фақат инсон! Фақат угина ташаббус нималигини, уни қаерда ва қачон қўллашни билади.

— Сиз ҳозирги вазиятдан чиқишнинг бирдан бир йўлини хусусий ташаббусда кўрасизми!

— Ҳар қандай ташаббусга, шу жумладан хусусий ташаббусга ҳам имконият берадиган тўлақонли бозор яратиш — вазиятдан чиқиш йўлидир. Дарвоқе, кўпгина ғарб мамлакатларида ҳозирги кунда хусусий ташаббус белгиловчи мавқега эга эмас. Шундай бўлсада, кўпинча кичкинагина шахсий ташаббусдан бутун миллий иқтисодда мўтлақо янги йўлни берувчи ўлкан лойиҳалар дунёга келади. Хўжалик юритишнинг ушбу усули ҳаётийлиги нимада? Менимча, инсондаги ажойиб бир хусусиятда ҳар биримиз қандай қилиб ўзимиз учун кўпроқ пул ишлаб топишни ва ҳаётимизни яхшилашни яхши биламиз. Ҳамма учун бирдек мақбул бўлган йўлни топиш эса жуда мураккаб. Шунинг учун ҳам хусусий ташаббус истеъмол бозорида пайдо бўлган ҳар қандай тақчилликни дарҳол тугатиш имконини беради. Бу эса ҳаммага — ишбилармонларга ҳам, уларнинг харидорларига ҳам, демак бутун жамият учун ҳам фойдали. Иқтисодда ҳам ҳар қандай организмда бўлгани каби йирик хўжалик қон томирлари ҳам, майда хўжалик қон томирлари ҳам бўлиши лозим. Уларнинг бозорда ўзига яраша мавқеи бор, бироқ ҳаммаси битта мақсадга — иқтисодий системанинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Гапнинг очиғи биз ўзимизда шахсий ишбилармонликни қандай ривожлантиришимизни тасаввур қилолмайман. Ахир ширкатлар тузилганлиги ҳам мамлакатимизда оммавий норозилик уйғотди-ку.

— Ҳамма гап ана шунда-да! Ҳозир сизларда бозорга асосланган иқтисоднинг йўқлиги эмас, балки унинг туғилишига йўл қўйиб берадиган муҳитнинг йўқлиги қўрқинчли. Бугун СССРда кўпчилик: бизга бозор керак! — демоқда. Лекин, келинг, олдин аниқлаб олайлик. Бозор — бу рақобат, бу кимнингдир муваффақияти ва аксинча кимнингдир муваффақиятсизлиги, бу олинадиган фойдадаги фарқ, демак истеъмолдаги фарқ деганидир. Бошқача бозор бўлмаган, бўлмайди ҳам. Сизлар ана шунай бўлишига тайёрмисизлар ёки дастлабки куртаклар чиққан заҳоти «қайчилаш»га тушасизларми?

2

Айрим мутахассисларингиз бозор ҳақида гапириб, эски қарашларидан воз кечкилари келмайди, зўр бериб ана шу муаммони кўрмаганга олишади. Бироқ, бу билан муаммо ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Таассуфки, иқтисодни туб ислоҳот қилишга, тараққиётга йўл қўймаётган, аммо номигагина «ижтимоий тенглик» вужудга келтираётган бошқа тўсиқлар ҳам барҳам топмайди. Агарда инсон, унинг ишбилармонликка нисбатан бўлган муносабати ҳақида гапирадиган бўлсак, Совет Иттифоқи учун хос бўлган яна бир муаммога тўхталмоқчиман: сизларда мустақил равишда ниманидир яратадиган, ташкил этадиган, тадбиқ қиладиган одамларни жамоатчилик томонидан тан олинадиган муҳит йўқ. Ваҳоланки, бозорга асосланган ҳар қандай иқтисод ана шундай кишиларга суянади!

— Фикрингизга қўшиламан. Давлат шўъбаси ходимлари йўл-йўриқлар билан ишлашга ўрганиб қолишган. Улар эндигина ҳақиқий тижоратни ўргана бошлашяпти. Ширкат бозорига келсак, шуни айтиш кераккки, унда «яширин иқтисод» устамонлари кўпроқ мавқега эга бўла бошлашди. Афсуски, ишбилармонлик фаолиятига улар бошқаларга қараганда яхшироқ тайёргарлик кўришган экан.

— Бу жуда ҳам даҳшатли! Бизда, АҚШда пул ишлаш истаги ва имкони бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бозорда ўзининг қатъий қоидалари, ўз этикаси, ўз обрў кодекси бор. Уни бузган ишбилармон шерикларидан маҳрум бўлади. Сизларда эса ҳеч ким бу ҳақда ўйламаяпти шекилли. Бу жуда хавфли. Бир томондан шўро иқтисодида шундай бўлиши табиий эди. Сабаби — миллионлаб ҳалол кишиларнинг иқтисодий жиҳатдан нофаол бўлгани ҳолда, «яширин иқтисод» устамонларининг ширкат бозорига кириб олганлиги. Негаки, ўша миллион-миллион кишиларни бутун ҳаётлари давомида: «Бажаринг, сизларга ҳамма нарса беришади, сиз тўғрингизда ғамхўрлик қилишади!» деб ўқитишган. Бугунги кунда ўша одамларни иқтисодий соҳада фаолликка ўргатиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак.

Иқтисодий система билан эмас, балки бу соҳада қилинаётган жиноятлар билан курашиш зарурлигини ниҳоят тушуниш лозим. Жамият донолик ва сабр-тоқат намойиш қилиши керак. Ишончим комил, бу бир неча баробар кўп фойда билан қайтади. Бироқ, афсуски, ҳозир ундай бўлмаяпти... Аниқ бир мақсаднинг йўқлиги иқтисодни издан чиқаради. Шундоқ ҳам дунёдаги бирор бир бозорга асосланган иқтисод сизлардаги сингари тақчиллик, уй-жой таъминоти ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни, коммуникация системаларининг бу қадар қолоқлигини билмайди. Наҳотки, ана шундан ҳам ҳеч нарса маълум бўлмаса!

— Аммо ҳамма муаммоларни ҳам хусусий ишбилармонлик ёрдамида ҳал этиб бўлмаса керак!

— Мен фақат шу йўл билан ҳал этилади, деганим йўқ. Бозор — бу ҳақиқатан ҳам ишбилармонлик, бироқ у жамоаники ҳам, хусусий ҳам бўлиши мумкин. Бозор муҳити тўғрисида гапирганимда мен унисини ҳам, бунисини ҳам назарда тутаман. Ишончим комил, йирик саноат жамоа мулки бўлса, у самарали бўлади, айни пайтда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, шаҳар ичидаги транспорт, хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари хусусий бўлиши мумкин. Ғалати-а, тўғрими? Тўғри. Лекин бугунги кунда шўро иқтисоди тушиб қолган вазиятдан қандай бўлмасин чиқиши керак. Хўжалик юритишнинг яхши ўйланган усули зарур. Бозор ҳамма нарса ўз ўрнида ва аниқ бўлишини талаб қилади. Ниманидир ўзгартириб, ниманидир эскича қолдириб бўлмайди. Бу вазиятни чигаллаштиради, холос.

— Бугунги кунда бизнинг иқтисодимизда, айниқса, истеъмол соҳасида мураккаб вазият вужудга келди. Ана шундай шароитда бозор механизмини шакллантириш тўғрисида гапириш ўринлими! Балки олдин вазиятни барқарорлаштириш кераклир!

— Мен — техникман. Мен учун умуман фикр юритгандан кўра, аниқ маслаҳат берган маъқул. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, огоҳлантириб қўймоқчиман: бозорга асосланган иқтисодга бирданига ва батамом ўтиб бўлмайди. Аҳоли бунга мутлақо тайёр эмас. Ҳозир сизларда улкан давлат таъминоти, кўпдан-кўп ижтимоий қарзлар бор. Уларнинг ҳаммаси бир варакайига йўқотилса, бошбошдоқлик бошланади. Сизлар яратмоқчи бўлган иқтисодга босқичма-босқич, қадамма-қадам бориш керак. Лекин пировард мақсад ҳамма учун ҳам тушунарлимикин?

— Кўпчилик биздаги иқтисодий ислоҳот асоссиз равишда чўзилиб кетди, деб ҳисоблайди...

— Гап бунда эмас. Гап унинг пировард мақсадини ҳамма бир хил тушунмаслигида. Шошқалоқлик ҳам ана шундан келиб чиқаяпти, деб ўйлайман. Баъзилар ислоҳот вақти келиб кескинлашиб кетишидан, баъзилар эса ҳамма ўйлаганлари амалга ошмаслигидан чўчишмоқда. Имоним комилки, бозорга асосланган иқтисод яратишни пировард мақсад қилиб қўйсангиз, охир-оқибатда барча муаммоларни ечасизлар. Тўғри, бунинг учун камида ўн йил керак бўлади.

(Давоми бор).

3

Янги ҳикоялар

Мирмуҳсин

Висол

ҳикоя

Кутилмаганда юрак хирургияси клиникасининг тўртинчи қаватидаги телефон жиринглаб, бир қиз ҳамширадан ассистентни чақириб беришни илтимос қилди. Ҳамшира дарҳол ишини ташлаб, бориб Ҳабибга буни айтди. Опа ассистент йигитни кўп ҳурмат қиларди. Ҳабиб профессор сезмасин деб атайин мана шу узоқроқ телефон номерини севиклигига берган эди.

— Лаббай?

— Бу, мен... Эшитяпсизми?

— Ҳа.

— Ҳофизнинг ғазалини топдингизми? Гўзалнинг бир холига Самарқанду Бухорони бериб юборган ғазални?

— Топдим. У тожик тилида...

— Сиз тушинасизми?

— Албатта. Тожик тили ҳам она тилимиз. Навоий билган, ғоятда ҳурмат қилган. Чунки қадим бизнинг мутафаккирларимиз туркий, форс-тожикий, арабий сўзлашган. Китоблар ҳам шундай. Ўзимизнинг Навоий ҳам, Айний ҳам икки тилда ижод этган. Эски зиёлиларимизнинг ҳаммаси тожик тилини билади, умуман билишимиз керак!

Шу ғазални менга бераман, деб ваъда қилган эдингиз.

— Албатта. Марҳамат...

— Бизникига келинг.

— Қандоқ бўларкин? Майли, сиз эшикка чиқиб туринг, мен машинада бориб, китобни ташлаб ўтаман.

Шу пайтда Нигорага Ҳофизи Шерозий ғазали зарур бўлиб қолгани Ҳабибни таажжубга солди. Унинг лаб остидаги чиройли холига бу ғазал бағишлангандай туйилган экан... Орадаги олти юз йиллик масофа йўқ, Нигора учун ғазал кеча ёзилгандай туйилган эди. Яхши ҳам-ки, операция тугаб, ичкари хонада у профессор билан гаплашиб ўтирарди. Операция муваффақиятли тугаса, кекса профессор ўз ассистентлари, врачлар ва ҳатто тез-тез чой дамлаб берадиган ҳамшира аёл билан суҳбатлашар, баъзан мутлақо бу ишга — жарроҳликка алоқаси йўқ нарсалар — бозордаги нарху наво, маҳаллаларда бўлаётган воқеалар уни жуда қизиқтирарди. Бугун улар бир аёлни операция қилишди. У машҳур бир кинооператорнинг хотини эди. Бу киночи Осиё, Африка ва Лотин Америкаси қитъаларининг кинофестивали вақтида, санъат арбоблари ичида профессор хусусида ҳам ҳужжатли кинофильм қилган. Бу анжуманда жумҳурият раҳбарияти топшириғига биноан у ҳам меҳмонларни кутиб олиб, уларни Тошкент ва Самарқандаги тарихий ёдгорликлар билан таништирган. Меҳмонлар халқнинг таниқли профессори билан ҳам ўртоқлашишган. Улар билан мулоқот вақтлари тасвири киноленталарга олинди, лекин аллақандай бир «қайчи» ленталарни қирқди: профессор телевизорда кўринмади.

Профессорнинг шундай тажанг бўладиган пайтлари кўп бўларди. У ҳозирги бўлаётган кўп нарсаларга мункир, айниқса, маҳаллийчилик, ўз уруғ-аймоғини мартабаларга қўйиш, гуруҳбозлик уни диққат қиларди.

Ҳабиб телефонда гаплашиб бўлгач, профессор ёнига кириб, уйдан телефон бўлганини... рухсат беришини сўради. Кейин кабинетига кириб, стол тортмасидан Ҳофиз китобини олди. Шоша-пиша костюмини кийиб кўчага чиқди. Катта асфальт йўлда туриб, ўткинчи машиналарга қўл кўтарди. Ўн-ўн беш минутлардан сўнг, бўш келган бир машина Ҳабибни олди. У Чилонзордан Навоий кўчасига учди, Ўрдадан қайилишда янги тушган коттежларга кирадиган тор йўлга бурилди. Китобни берамону кейин шу машина билан яна орқамга қайтаман, деган режа тузди. У бориб қўнғироқни босгач, тайёр турган Нигора эшикни очди.

— Марҳамат, ичкарига киринг!

— Мана ўша китоб, — деди Ҳабиб қўл узатиб.

— Ичкарига! Эшикда кўришмайдилар.

— Мени машина кутиб турибди.

— Жавоб бериб юборинг!

— Ойингиздан уяламан.

— Уяладиган киши йўқ. Уйда ҳеч ким йўқ. Беш минутга киринг!

— Ҳозир. — Ҳабиб югуриб бориб, машина эгасига пул бериб, жўнатди. Нигоранинг ёнига келди, — Қандоқ бўларкин кириш?

— Қўрқманг. Мен ўзим таклиф қиляпман. Нима бу тўғри келмайдими? Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич... Киринг!

Ҳабиб ичкарига қадам қўйди. Катта хонада Нигоранинг таклифига кўра қизил духоба диванга ўтирди.

Нигора дарҳол дастурхон тузаб, нозу-неъматлар олиб келди. Чой...

— Афанди айтиб беринг, демайман, юрагингиз гуп-гуп уриб турибди. Ёдингизда бўлмаса ҳам керак... Китоб учун ташаккур! Лекин шу ғазални ўқиб, менга таржима қилиб, тушунтирсангиз миннатдор бўлардим.

Ҳабиб беихтиёр Нигоранинг лаби остидаги чиройли қора холига тикилди. Нигора уялиб, ерга қаради, ўз гўзаллигидан мамнун ва айни вақтда жамолида ҳижолатлик аломатлари зоҳир бўлди. Кулимсиради, ўйламсиради, гапиролмади...

Ҳабиб китобчани очиб, саҳифага кўз югуртирди:

«Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро,

Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро».

Мазмуни шундай:

«Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,

Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони»[1]...

— Бу ғазал учун Ҳофизи Шерозийнинг боши кетай деган...

— Нечун? — Нигора Ҳабибга ялт этиб боқди.

— Хуросону Мовароуннаҳр султони Амир Темур ривоятларга кўра Ҳофизни ўз ҳузурига чорлаган, шоирга дебди-ки, сен менинг икки буюк шаҳримни қандай қилиб Шероз гўзалининг бир қаро холига бериб юборар экансан!? Шу асно Ҳофиз айтган эмиш-ки, эй, саркарда, агар Самарқанд билан Бухорони беролмасам, улуғ султон, мен ўз жонимни беришга тайёрмен, дебди. Амир Темур шоирнинг гуноҳидан ўткан экан.

— Ўҳ-ҳў.., — деди Нигора, — шоирлар қалби шундай саҳий бўладими?

—Ҳа, шоирлар қалби саҳий... Лекин бизнинг шўримиз қурсин! Бизлар шу юракка тиғ урамиз, қонга белаймиз, бирининг ўрнига бошқасини ҳам қўяётирмиз. Бу юрак саҳийми, носаҳийми, инсонийми ёки қаттолми, билмаймиз. Жарроҳлар юракка тиғ уриб, хасталикни даволашга қодир, аммо қабиҳ юракни пок юрак қилолмайди. Дарҳақиқат, бунинг учун на Ҳофизи Шерозий ва на Мир Алишер Навоийлар керакми, юрак дунёсининг алломалари улар! Инсон гўзаллигига, бизлар баъзан сезмайдиган бир кичик гўзал қаро холга ўша вақтда Самарқанд билан Бухорони бериб юборган шоир дили — бу илоҳий дилдир. Немис шоири Вольфганг Гёте Шарқ шеъриятига мафтун бўлган, айни вақтда Ҳофизи Шерозийни улуғ устозим деган, ундан ўрганиб, Шарқ услубида ғазалиёт яратган. Кўп гапириб юбордим...

— Йўқ-йўқ, Ҳабиб ака, гапиринг! Жуда эшитгим келяпти. Мен Ҳофизни билмайман. «Мовароуннаҳр» сўзини ҳам. Император Амир Темур ҳақида ҳам кам эшитганман. Навоийни қисман... Мактабда бизнинг тарихимиз деярлик ўргатилмайди, ачинасан киши! Нега бундақа? Адамлар ҳам кам гапирадилар, Амир Темурни фақат қонхўр, жаллод дейдилар холос. Шундай катта салтанат тузган, илм-фан — астрономия, математика, архитектура, адабиёт ривожланган даврни бир томонлама аташ, қоралаш тўғрими?!

— Нотўғри.

— Бировни қарғаб ҳеч қачон ўзинг олқиш ололмайсан, деган Ҳофизнинг замондоши Шайх Саъдий, — Амир Темурни қонхўр, ваҳший деганлар халқ ичида обрў тополмайди! Тарих уларни лаънатлайди!

— Сиз кўп нарсани билар экансиз, сизга ҳавасим келади.

— Сиз ҳам менинг ёшимга етгунча кўп нарсаларни биласиз.

— Тўрт йилнинг ичида денг? — Нигора эркаланади, — сиз ўргатасиз менга. Ваъда берасизми?

— Албатта! Жоним билан ваъда бераман! Чин юракдан сўз бераман! Агар сиз менга шунчалик ишонсангиз, наинки Самарқанду Бухорони, мен сизга бутун Тошкентни ҳам, жонимни ҳам қўшиб бераман...

Ҳабиб дарҳол китобни варақлаб, ўша ғазални охиригача Нигорага мисрама-мисра таржима қилиб бера бошлади.

— Овқат олиб келайми? Иссиқ ош бор, озгина сабр қилинг, олиб келаман?

— Йўқ. Бошқа вақтда.

— Афанди айтиб беролмайсизми?

Нигора атайлаб Ҳабибга икки иш буюрди.


— Қайси бирини; таржима қилайми, афанди айтайми? — У қўрқув ичида шошиб, дамодам эшикка қараб қўярди. Жасорат кўрсатаётган бу эрка қиз ишнинг пачавасини чиқариб қўймасмикан.

Ҳабиб ҳам унга тикилиб, қизнинг қўлларидан ушлади. Қиз қаршилик кўрсатмай, сапчиб туриб кет-

1. Ш. Шомуҳамедов таржимаси.

(Давоми 4-бетда).

Бепоён менинг Ватаним





Ижодкорлик ноёб фазилат

Ижодкорлик инсоннинг қон-қонига сингиб кетган, уни камолот сари етакловчи фазилатдир. Қувноқлар ва топқирлар клубига аъзо бўлган ёшларга бу фазилат, айниқса, жуда зарурлиги сир эмас. Қисқа вақт ичида саволларга муносиб жавоб топиш, бунинг устига кулги уйғота билиш озмунча билим ва маҳоратни талаб этмайди. Ҳар ҳолда ёшлар ўзларига хос шижоат билан бунинг уддасидан чиқаяптилар.

Москвадаги Ёшлар саройида қувноқлар ва топқирлар клубининг финал ўйини иштирокчилари бўлганлар дарҳақиқат бир-бирларига муносиб эдилар. Телетомошабинларга илгари бўлиб ўтган кўрсатувлардан таниш Урал политехника институти, Харьков авиация инженерлари олий ҳарбий билим юрти ва Днепропетровск педагогика институти командалари ҳар доимгидек энг долзарб ва етилган муаммолар борасида баҳслашдилар. Қувноқлар ва топқирлар клубининг ишқибозлари бу гал ҳам ўткир ҳазиллардан завқланадилар. Бироқ, финалда Харьков авиация инженерлари олий ҳарбий билим юрти командаси ғолиб чиқди.

Собиқ шофёр, ҳозирги кунда пенсионер бўлган Фёдор Михайлович Поповнинг ижодий фикри амалий қиёфа касб этишига ҳам авиациянинг муҳим ўрни бор. У кўпдан қиш пайтлари чўлда йўлсизликда асқотадиган аэрочана ясамоқчи бўлиб юрган эди. Устакорлик севимли машғулоти бўлган Поповга кераксиз авиацион двигателни топиш бироз қийинроқ кўчди. Қолган материаллар эса қўлбола усулда тайёрланган.

Оренбург вилоятининг техникавий ижодкорлик конкурсида у яратган мослама энг яхши деб топилди ҳамда кўргазманинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Суратларда: юқорида тойчоқ ва олтин бўйинтуруқ билан мукофотланган қувноқлар ва топқирлар клуби аъзоларини, чапда эса Ф. Попов беминнат ёрдамчиси Ж. Петрушин билан аэрочана олдида турган лаҳзани кўриб турибсиз.

А. МОРКОВКИН.

В. БУШУХИНА суратлари

ТАСС сурат лавҳаси.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ПАРВОЗ ҚИЛАВЕР, «ҚАЛДИРҒОЧ»

Хоразм — санъаткорлар воҳаси. Қўшиқ айтолмайдиган, рақсга тушолмайдиган одамни камдан-кам учратиш мумкин. Воҳадан чиққан овози ширали хонандалар, элга манзур бўлган ансамбллар анча. Яқинда уларнинг яна учтасига «Халқ ансамбли» унвони берилди.

Боғот ноҳиясидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхоз қошидаги «Қалдирғоч» ашула ва рақс ансамблининг санъат осмонига парвоз қилганига ҳам яқинда йигирма йил бўлади.

...1970 йилнинг баҳори. Уша пайтлар Наримонов номли колхозга марҳум Искандар Дўсов раислик қилар эди. Колхоз қошида ансамбль тузиш фикри ҳам ўша кишидан чиқди.

Ансамблга яхши ният билан «Қалдирғоч» деб ном қўйилди. Шу ерлик ҳаваскорлар тез-тез келиб турдилар. Сурнайчи Юсуф ота Бакиев, Маркс Эгамбердиев, Аҳмад Қурбонов, Раҳмат Файзуллаев, Нина Жуманиёзовалар яқиндан ёрдам бердилар. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган хонанда Шермат Файзуллаев ўша пайтда эндигина Тошкент педагогика институтининг музика бўлимини тугатиб келган эди. Уни музика раҳбари қилиб тайинлашди. 1976 йилда ҳамкасблари бадиий раҳбарликни унга ишонишди. Ш. Файзуллаев ҳам ансамблда сидқидилдан ишлади. Ҳозир ҳам ёшларга етакчилик қилмоқда. «Қалдирғоч» ансамбли ташкил қилинганидан бир йил кейин «Ўзбектелефильм» студияси у ҳақда ярим соатлик кўрсатув тайёрлади. 1972 йилда эса ансамбль «Марҳабо талантлар» кўрик-конкурсининг лауреати бўлди. Бир йилдан сўнг «Чашма» теле-конкурсида қатнашиб, жумҳуриятда иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Шу йили «Халқ ансамбли» деган фахрли унвонга ҳам сазовор бўлдилар.

Муваффақиятлар ансамбль қатнашчиларини янада илҳомлантирди. Тинмай изланишлар, тайёргарликлар, қилинган меҳнатларнинг ҳеч бири зое кетмади. 1977 йилда ансамбль Хоразм вилояти Ленин комсомоли мукофоти лауреати, бир йилдан кейин Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

«Қалдирғоч» бир қатор ижодий сафарларда, жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида, ҚҚАССРда, Туркманистон ССР, ҳатто Югославия, Болгария, Канадада бўлиб, ўзбек санъатини намойиш қилиб қайтди.

Ансамбль репертуари йилдан-йилга янги куй ва қўшиқлар, рақслар билан бойиб бормоқда. «Олтин бошоқ», «Пахтакор қиз», «Қувноқ қиз», «Дил садоси» каби рақслар, «Тинчлик қўшиғи», «Она юртим», «Колхозимга кел», «Хоразм бу» каби қатор қўшиқларга Ш. Файзуллаев томонидан куй басталаниб халққа тақдим қилинди.

Ансамблнинг иқтидорли хонандалари Сафарбой Отажонов, Дармон Эшниёзова, Мўмин Раҳимовлар ижросидаги Хоразм халқ қўшиқлари, Ватанга, одамларга меҳр-муҳаббатни, чин севгини куйловчи қўшиқлари, Дилором Қўчқорова, Нигора Менглиеванинг жозибали рақслари элга манзур бўлмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида ҚҚАССРда бўлиб ўтган Хоразм санъати кунларида ансамблнинг бир гуруҳ санъаткорлари қўшни қардош халқларини хушнуд қилиб қайтишди.

«Қалдирғоч»нинг бу йилги орзу-мақсадлари ҳам чексиз. Янги-янги куй ва қўшиқларни ўз қанотида санъат оламига олиб кирса, чиройли-чиройли ўйинлар қилса. Хоразмнинг йўқолиб кетаётган миллий, қадимий оҳангларини халққа қайтарса. Ёзнинг саратон, қишнинг қаҳратон кунларида тиним билмай меҳнат қиладиган оддий қишлоқ одамларининг кўнглини хушласалар. Уларнинг ҳордиғини, фақат дилрабо куй ва қўшиқлар чиқаради.

Буларни амалга ошириш учун ансамблда ҳамма нарса етарли. Колхоз правлениеси чиройли безаклар билан безатилган маданият уйини уларнинг ихтиёрига бериб қўйибди. Энди фақатгина изланиш, ижодий меҳнат қилишса орзулари рўёбга чиқаверади.

«Қалдирғоч» шу йил йигирманчи баҳорини қучади. Бу баҳор сени янги-янги зафарларга чорласин! Янада баланд парвоз қилавер, «Қалдирғоч»!

Азамат САФАРОВ,
ТошДУ толиби.

ҚИШЛОҚДА ТЕАТР КУНЛАРИ

Сурхондарёда қишлоқ томошабинлари учун театр кунлари бошланди. Уйғур номли вилоят музикали драма театри коллективи уни ўтказиш ташаббускори бўлди. Вилоят барча ноҳияларининг қишлоқ меҳнаткашлари спектаклларни томоша қилиш учун келишмоқда. Хўжаликларга танлаб олиш учун ўзбек драматурглари пьесалари асосида қўйилган ўнта спектакль таклиф этилган. Томошабинларнинг асосий қисми спектаклларни ноҳия маданият уйлари ва саройларида томоша қилишлари мумкин. Театр кунларини ўтказишдан мақсад қишлоқ аҳолисининг маданий дам олишини ташкил этишга ҳисса қўшишдан иборатдир. Уларнинг кўпчилиги учун қиш ойлари дала ишларидан дам олиш давридир.

ШАРҚ УСЛУБИДАГИ ЛИБОСЛАР

Бундан икки йил муқаддам жумҳурият модалар уйи ҳузурида ташкил этилган Тошкент модалар театрининг янги программаси «Модалар калейдоскопи» деб номланди. Томошабинлар қишки кийим моделларини, эркакларга мўлжалланган «Авиаторлар» деб номланган ва хотин-қизлар учун «қишки ёмғир ҳамда «хотин-қизлар кенгаши» деб номланган ўзига хос кийимлар туркумини муносиб баҳоладилар. Программанинг бутун бир бўлими Шарқ услубида тайёрланган моделларни кўрсатишга бағишланган. Шарқда машҳур бўлган хонатласдан тикилган либосларда халқ кийимлари мавзуси жонланган. Коллекцияни яратишда жумҳурият ассортимент маркази ва тикувчилик саноати модаси энг яхши модельерлари ва рассомлари меҳнат қилишди.

(ЎЗТАГ).



Нукус шаҳридаги «Ойгул» миллий кийимлар ательеси тикувчилари хизматидан кўпчилик ҳамюртлар мамнун бўлишмоқда. Қорақалпоқ миллий кийимлари саналган бу либосларда ёшлар сингари кексалар ҳам ёшариб кетгандай ҳис қилишади ўзларини.

Сиз суратда кўриб турган чеварлар шу корхонада меҳнат қилишади. Улар (чапдан ўнгга) Бибижон Отамуродова, Гулсара Турумбетова, Клара Шоназароваларнинг ҳар бири ўзларининг доимий мижозларига эга. Сифатли ва бежирим кийимлар тикиш уларнинг бирдан-бир мақсадига айланиб қолган.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

Спорт

Совриндорлар

Яқинда Тошкентда кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида шахмат-шашка бўйича жумҳурият биринчилиги ўтказилди. Унда 6 вилоятдан 60 дан ортиқ ёш спортчи иштирок этдилар.

Бу учрашувда хоразмлик талабалар, айниқса, муваффақиятли қатнашдилар. Улар шашка бўйича умумкоманда ҳисобида фахрли биринчи ўринни, шахмат бўйича эса учинчи ўринни эгаллашди.

Команданинг бу ғалабасига Рашид Матчанов, Марҳабо Жабборова, Бобомурод Қўчқоровлар муносиб ҳисса қўшдилар. Ўқувчиларни жумҳурият биринчилиги мусобақаларига мактаб-интернатимизнинг математика ўқитувчиси Ўсар Умиров тайёрлаган.

Совринли ўринни эгаллаган шахмат-шашкачиларимиз март ойида ўтадиган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари талабаларининг мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Умида ОТАМУРОДОВА,
Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси, жумҳурият биринчилиги мусобақаси қатнашчиси.

ТВ

4 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Муаммо билан юзма-юз». 11.15 «Экватор» кемасининг пассажири». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 12.35 Театр — болаларга. Жасур Исҳоқов. «Бўталоқ». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 13.30 «Ишчи — шарафли ном». Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводи ҳақида ҳикоя. 14.00 Сурхондарё вилоятидаги Ленин йўли ноҳия «Қўнғирот» фольклор ансамблининг концерти. 14.45 «Танишинг: Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси».

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Велосипедча қочиб кетди». Мультфильм. 18.10 Болалар мусиқа мактаблари тарбияланувчиларининг чиқиши. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Фильмотекамиз жавонидан». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий программа. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 6-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 «Жомий ва Навоий». Телевизион спектакль. 19.15 «Телетомошабин ҳамроҳи». 20.00 «Ҳафта». Информацион программа. 20.30 «Руҳафзо». Концерт программаси. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 «Саркаш дарё». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. (рус тилида).

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 13.45 «Казаклар ўзга сайёраликларни қандай кутиб олишди». Мультфильм. 14.05 Ғалабанинг 45 йиллигига «Лидия». Бадиий фильм (ЮСФР). 15.35 «Бизнинг мерос». 16.35 «Ҳар қандай дардга давоми... фалокатми?». 18.20 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Золушка учун уч ёнғоқ». Бадиий фильм («Баррандов», ЧССР — «ДЕФА», ГДР). 20.00 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Ихтиёрий рақслар. Ленинграддан кўрсатилади. 21.30 «7 кун». 22.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 22.45 «Қани энди, ўтмишга қайрилиб боқолсак». А. А. Яблочкина номли актёрлар Марказий уйидаги театр учрашувлари ҳақида. Кўрсатув-хотира (60-йилларда ёзиб олинган). 00.15 МИФИ эркаклар хори куйлайди.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Чашмалар». 9.15 Латвия ССР Давлат телерадиоси. «Қайтиш». (Рига). 9.50 «Бир от учун ярим давлат». Ҳужжатли фильм. 10.10 «Жанубдан келаётган тачанка». Бадиий фильм, субтитр билан (А. Довженко номли киностудия). 11.30 «Санъаткор ва ҳокимият». 12.40 «...ва ҳаммаси такрорланади». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 13.55 Енгил атлетика. СССР чемпионати. Челябинскдан кўрсатилади. 14.30 Мультфильмлар: «Вера ва Анфиса тўғрисида», «Вера ва Анфиса ёнғинни ўчиришди», «Вера ва Анфиса мактабда дарсда». 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Халқ ижодиёти». Видеоблок. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Чалкашлик». Мультфильм. 20.50 «Виват, Россия!» 21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан). 22.30 «Троянн топинг». Телевизион бадиий фильм (Болгария). Премьера.

Мирмуҳсин

ВИСОЛ

ҳикоя

(Боши 3-бетда).

май, мойиллик кўрсатаётганини сезган Ҳабибдан ақл кетди; у Нигорани қучоқлаб бағрига босди-ю, лабларидан, ўша қора холидан ўпди. Ҳабиб титрарди... Гап-сўз йўқ...

Шу лаҳза телефон жиринглаб қолди, Нигора Ҳабиб қучоғидан отилиб чиқиб, телефон трубкасини кўтарди.

— Алло. Ҳа, мен ойижон. Севара ҳали келгани йўқ. Бўпти.., — деди трубкани қўйиб.

У яна Ҳабиб ёнига келди.

— Ҳозир келадиларми аянгизлар? — Ҳабиб энтикиб сўради. У беихтиёр ҳаллосларди.

— Ҳозир эмас, бир пасдан кейин...

— Мен кетай.

Улар ортиқча гаплашишмади, гап йўқ. Афандилар ҳам йўқ... Муҳаббатнинг сирли оғушида икки қалб бир-бирини топгандай ҳаётдан ғоятда мамнун эдилар. Ҳабиб коридорда пальтосини кийдириб юбораётган Нигорани яна қучиб, ўпди. Қўрқув йўқолиб жасорат пайдо бўлди. Эшикка чиққач Ҳабиб Нигорага қўли билан хайр ишорасини қилиб, катта йўлга тушиб кетди.

Ҳабиб йўлда борар, дунёда ундан бахтиёр инсон йўқ. Унинг кўз олдига Нигора дунёда энг севикли қиз, доно ва гўзал. У бахтини топди, шунчаки гаплашиб, вақт ўтказиб, бир-бирини алдаб юришлар йўқ, энди турмуш қуриш ҳақида бемалол ўйлайверса бўлади. Онаси, қариндошлари билан гаплашиб, тўйга тайёргарлик кўриш, одат бўйича совчи юбориш кераклиги ва ҳоказолар ҳақида ўйлашга қатъий ишонч бор. Қизнинг мойиллиги, бугунги воқеа «мен сенга тегаман, сен менга ёқасан...» деган гапнинг ўзи. Агар киши чиндан севса мана шундай бўлади, деди Ҳабиб ўзига-ўзи. Агар уялиб, ҳар нарсаларни ўйлаб, қизни ўпмаганда ҳозир жуда пушаймон бўларди. Ҳеч қачон сўраб ўпмайдилар-ку! Бу инсон вужудидаги таърифга сиғмас, сирли жараёндир-ки, кимда ким икки тан ёниб турганда ўзини ақлли гаплар билан банд этиб, тартибпарвар, сўмрайиб турар экан бу важоҳат ҳеч кимга ёқмайди. Инсон бахт топсин, ўзидан кўпайсин деб, уни иккига бўлиб яратган — бири эркак, бири аёл, деди ичида ассисент Ҳабиб.

Ҳабиб ҳеч қачон уйга бугунгидек хурсанд қайтмаган. Унинг хурсандчилиги нима боисдан эканини билмаган оила аъзолари беихтиёр чиройлари очилиб, хурсанд бўлиб кетишди. Айниқса онаизор...

Орадан бир ҳафта ўтгач Ҳабиб Нигорага телефон қоқди, лекин бугун шанба, Нигора ўқишда экани эсига тушиб дарҳол трубкани қўйди. Ётиб китоб ўқиди, миясига ҳеч вақо кирмади. Ўйланмай, бўйдоқ юриш жонига тегди.

Эртасига у яна Нигоралар уйига телефон қоқди. Нигоранинг ўзи трубкани кўтарди.

— Алло! Бу мен... Салом! Яхшимисиз! — деди Ҳабиб.

— Салом, Ҳабиб ака, яхшимисиз! Жим бўлиб кетдингиз! Ишлар кўпми?

— Дарҳақиқат кўп бўлди... Учрашайлик.

— Учрашайлик!.., — деб қаҳ-қаҳ уриб кулди Нигора. Афтидан уйда ҳеч ким йўққа ўхшайди. «Жосуслик» қиладиган Севара ҳам йўққа ўхшайди. — Бўпти? Қаерда? Ёки бизникига келасизми?

— Э, бўлмайди! Ота-онангиздан уяламан. Циркка борайлик. Мен сизга анча афандилар ҳам топиб қўйдим, айтиб бераман... (Нигоранинг афанди латифаларини яхши кўришини биларди)

— Биттасини айтинг, телефонда бўлса ҳам айтинг!

— Циркда айтмоқчи эдим.

— Айтақолинг, — Нигора эркаланди. У ўтган сафар бир дугонасидан шикоят қилиб, лақаби тулки эканини айтган эди.

— Циркда ҳамма ҳайвонларни ўйнатадилар. Нега тулкини ўйнатмайдилар, деб сўрабди бир одам Насриддин афандидан. Афанди айтибдики, йўқ, ҳурматли дўстим, тулки одамни ўйнатади, дебди.

Телефонда қўнғироқдек кулги эшитилди.

— Бораман Ҳабиб ака. Соат нечада?

— Саккизда цирк бошланади. Еттида келинг, музқаймоқ еб турамиз.

— Албатта бораман! Яна битта афанди топиб келинг! — У хайрлашиб трубкани «шиқ» этиб қўйди.

Қисқа гуфти-гўдан сўнг Ҳабиб тезда соқолини олиб, оқ кўйлагини, галстугини кўздан кечирди. Юраги тўлқинланди, севикли қиз билан учрашувга шошиларди. Қадим уйланмаган донишмандларнинг биридан сўрашибди: Устоз агар уйланмоқчи бўлсангиз хотинингиз қандай бўлишини истардингиз? Донишманд айтибдики, аёлда уч фазилат бўлишини истардим: Бу нима? Поклигу садоқат, оқилалигу олижаноблик, меҳнатсеварлик... Лекин минг афсус, деди ўзига ўзи Ҳабиб Патининг синглиси хонадонни куйдирди. Уч эрга тегди, ҳаммаси ҳам ўлди. Охиргиси бир тўйда хотинининг даврага тушиб, ўйнаб, кимгадир жилва қилиб, араб рақсига ўхшатиб орқасини ликиллатгани эрини дарғазаб қилиб, уйига ҳам олиб бормай, ўша ердан ҳайдаб юборган экан.

У соатига қараб, вақт яқинлашаётганини, Нигорадан аввалроқ бориб туришини кўзлаб, кийиниб, онасига кўчага кетаётганини айтди. «Кўчага кетдим» деганидан, ясанганидан она хурсанд, ўғлининг ким билангдир боғланишаётганини юраги сезиб турарди. Бу гал Ҳабиб жавобсиз қолган сўзига Нигоранинг жавоб қилишини кутар, «майли, совчи юборинг...» деган гап бўлса керак дерди. Автобусдан тушиб, Ҳадра майдонига чиқди. Бу тарихий майдон четига цирк тушгани, унинг чиройли кубба — гумбаз юлдузлар оламидан учиб келиб, бу ерга қўнган афсонавий «Ликопчага» ўхшарди. Қадимий майдон чуқурликлар қазиб, йўл қилингани, ҳамма ёққа кўча очиб, нарироқдаги Шайхонтоҳур мадрасасию, минораю дарвозалари, Олимқулихон «Бобурнома»да зикр этилиш Юнусхон мақбарасини бузиб ташлаш — кечирилмас гуноҳ бўлди. Ҳабиб болалигида бу майдон ёқали мактабга, институтга қатнарди, бу ердаги ҳар бир тошу ҳар бир эшик унга таниш — Эски Жўва билан Ҳадра оралиғи Жангоҳ — унинг ота-боболари юрган, ўсиб унган, ҳам қувончу бахт, ҳам ҳасрату қайғу тортган, умрини ўтказган жойлардир. Бу майдонда у Аброр Ҳидоятовни кўрган. Лекин ҳозирга келиб, бу томонларни «обод» қиламиз деб Копенгагенга ўхшатиб қўйишди. Бир-бирига ўхшаган қути мисол уйлар, уйлар, уйлар... Шайхонтоҳурда мадраса-ю миноралар, шоиру мутафаккирлар қабри шу қути-бинолар тагида қолиб кетди. Тошкентлик шоир Тавалло «Симсиз бировлар сўйлашур, миллат ғамини ўйлашур, сизлар эса тўй-тўйлашиб одам бўлолмайсиз ҳануз...» деган. Шаҳар ўзининг миллий кўркини йўқотаётгани яхши бўлмаётир.

Роппа-роса соат еттида Цирк зинапоялари ёнига ғувиллаб келиб тўхтаган машинадан Нигора чиқди, ўн беш қадамча нарида, одамлар ичида уни кутиб турган Ҳабиб бориб, севиклисини кутиб олди. Сочлари орқада қубба, оқ кўйлак устидан эркакча костюм кийган, келишган Нигора очиқ чеҳра билан Ҳабибга қўл узатди.

— Салом, жаноб! Кутдириб қўймадимми?

— Асло! Кутган бўлсам, яхши, кўзим қорояди...

— Хафа бўлманг, қўйкўз бўлсангиз ҳам бизга ёқасиз.

— Ўтган сафар саволимга жавоб қилмадингиз! Совчи юборайми! Йўқми?

— Дарров саломдан кейин, «ҳа» ёки «йўқ» дейишим керакми? Мени циркка таклиф қилгансиз. Сиз йигитлар мунчалик шошасизки, ҳаш-паш дегунча ҳамма нарса бўлса! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа... Музқаймоқ деган эдингиз, қани? Музқаймоқ ўрнига совчи. Мана «ҳа» дедим, совчи юбораверинг. Аямларга ёққансиз, адамлар мени бирор обком секретарига бермоқчи эдилар, қадимги феодаллар даврини такрорлаяпсиз, деб тоза кулдик. Аямлар ўша талантли жарроҳ ассисент йигитга бераман дедилар... Яна нима керак сизга! Афанди топдингизми?

— Ҳа, — деди Ҳабиб, — бу яхши гапларингиз учун мана бу одамлар бўлмаганда ўпардим.

— Вой, ана шоферимиз қараб турибди. Ўпманг! У жуда эскича, бунақа ишларни ёқтирмайди. Ўзи ёш бўлса ҳам сўфи.

— Қитмир денг?

— Ҳа, қитмир. Ҳа-ҳа-ҳа.

— Қани юринг, билет олайлик! — деди Нигора Ҳабибнинг сал-пал алжиб, ўтлаб кетаётганини фаҳмлаб, — мени кўп кутиб қолмадингизми?

— Асло.

— Сизни тажангроқ, деб эшитдим.

— Кимдан?

— Бу сир.

— Тажанглик ҳам бор. Афанди қўшнисининг эшаги думсиз бола туғибди. Афанди тажанг бўлиб, бир неча кун ухламай чиқибди. Хотини афандига нега бунча тажангсиз деса, қўшнисининг эшаги думсиз туққанини айтибди. Шунга шунчами, деган экан, афанди, э нодон, шу эшак катта бўлганида лойга ботиб қолса қаеридан ушлаб тортаман дебди.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

— Илгари цирк зали баъзан одамга тўлмаганда, руҳий касаллар клиникасига ҳам билет сотиб, зални тўлдиришар экан. Ўйин тугагач, қизилга бўялган эшиклар оқариб қолармиш. Ҳайрон бўлишибди. Кейин билишса, келган «томошабинлар» эшикни пишган деб ялаб кетишар экан. Эшикларни кўкка бўяшибди. Кейинги келишганда «ҳали хом» деб ялаб тегишмабди...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа. Энди юринг, қизил, пишган музқаймоқ ялаймиз.

— Бу ердагилар пишмаган, кўк музқаймоқ.

— Биз унақасини ҳам, бунақасини ҳам ялайберамиз.

Ўн бешта кам саккизда улар цирк биносига киришди, буфет атрофида уёқ-буёқни айланиб, ўз жойларига — ўрта қатордан бирига, ўтиришди. Отларнинг тупроқни чангитиб югуришлари, масхарабозларнинг ҳа деб олдинги қатордагиларга муомала қилаберишларидан холироқ — ўртароқдан жой олган эди.

Цирк ўйинлари бошланиб кетди; кексайган бир хотин каламушдан сал каттароқ иркит бир кучукчани олиб чиқиб, дам икки оёқда турғазиб, дам ўзининг оёғи орасидан ўтказиб, шу тариқа ўйин кўрсатабошлади.

— Во-о-й, бу жонга теккан номерку! — деди Нигора елкасини Ҳабиб елкасига текказиб. У эркаланиб, Ҳабибга суянар, Ҳабиб унинг қўлларини ушлаб ўтирарди. — Йўлбарслар, арслонлар қачон чиқади? Бунақа лайчаларни эргаштириб юрган хотинларни кўраверib кўнглим озади. Эйй!..

Мумдай эриб, ўзлигини унутиб ўтирган Ҳабиб ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

— Ҳали йўлбарслар, арслонлар, балки филу аждарлар чиқади.

— Программада улар йўқ-ку? — деди Ҳабибнинг юзига юзини яқин олиб бориб тикилиб.

Шундан сўнг, масхарабозлар чиқиб, сал қизитишди. Думига ва пешонасига номер илинган эшак — ИШ— 204 га миниб чиққан масхарабоз Акрам қизиқ ўзбекча русча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, кўпроқ ўзбекча урғу билан тутилмаган сўзларни айтиб, одамларни обдон кулдирди. Ундан сўнг қорабайир — булутга сакрайман дейдиган отларда чиққан Тошкентбоевлар группаси жамоа диққатини жалб этди — энди томоша бошланди, деб эркаланди Нигора. Ҳабиб Нигоранинг мамнун бўлиб, диққат билан ўйинни кузатганидан хурсанд эди. Уларнинг атрофида ўтирган баъзилар икки севишган юракнинг бир-бирларига бўлаётган сирли нигоҳлари, эркаланиш, баъзан кулгию, баъзан жиддий «катта масалани ҳал қилишлари» ён-атрофда ўтирган томошабинларга ҳам сезиларди. Циркда фақат улар бордек, ҳамма ўйинлар фақат улар учун бўлаётгандек, икки ёш дунё ва одамлар билан ишлари йўқ, бир-бирларига суянган, бир-бирларига тўймай, ғоятда мамнун ўтиришарди.

Танаффус бўлиб, улар яна «пишган қизил музқаймоқ» яламоқ мақсадида цирк айвонига чиқишди. Буфетлар обод, одам кўп, турли сувлар, ширинликлар тўлиб ётибди. Атрофда уларни кимлардир кузатганини Ҳабиб баъзан сезгандек бўларди, аммо Нигоранинг ёнида нотаниш кимсаларга ҳадеб қарайбериш одобдан эмас, албатта. Қўнғироқ чалиниб, томошабинлар ичкарига таклиф этилди. Ҳабиб билан Нигора ўз жойларига келиб ўтиришди. Ён-атрофдагилар жой-жойларига ўтириб, залда тартиб пайдо бўлганда, қандайдир бир келишган, сочлари қирқилган, яхши кийиниб, кўзларига ҳозир урф бўлган — ойнаси садаф кўзойнак таққан бир жувон Ҳабиб ёнига келиб, у билан қуюқ саломлашиб, қўлларини сиқиб, кўриша кетди. Ҳабиб ўрнидан туришини ҳам, турмасини ҳам билмасди. Ёш, келишган жувон Нигорага орқасини ўгириб, «Ҳабиб ака» деб, ҳушомадни такрор-такрор айтиб, ёнидан кетмасди. Нигоранинг бирдан руҳи тушиб, кулгилар, чақнашлар сўнди. Нигора донг қотиб қолди. «Ҳабиб ака, бизникига келинг, институтда ишларингиз кўпми, нега келмай кетдингиз!» дерди ёш жувон. Ҳабиб бўлса ранги оқариб, гаплари қовушмай, титраб, «хўп-хўп, борамиз...» дерди-ю унинг тезроқ кетишини истарди. Ҳабиб ёнида ўтирган Нигоранинг шалвираб, бир замбил бўлиб қолганини ҳам сезди. Бу ярамас атайин келиб, шу иғвони қилаётганини, ичи куйиб, ўртага совуқлик солиш мақсадида бу «илиқ мулоқотни» чўзиб қилаётганини шундоқ пайқаб турарди-ю аммо, «йўқол, бу ердан, мени сен билан гаплашадиган гапим йўқ!» деёлмасди. Унинг дами ичида, Нигора ёнида мулзам бўлиб қолди. Бу фалокат қаердан пайдо бўлди деб ўйлади Ҳабиб. Ақлган кўзга чўп тушар, бу суюқоёқнинг пайдо бўлиб қолганига ҳайрон эди. Уч эрга тегиб, уччаловини ҳам бирин-кетин ўлдирган бу жувон кутилмаган жойда пайдо бўлиб қолгани, айниқса бугун, уни жин-ажинага ҳам ўхшатди. «Ҳабибжон ака, албатта келинг...» деб, у жувон қатордан чиқиб, ўз дугоналари ёнига кетди. Тирик мурда бўлиб қолган Нигора жиддий бир тусда Ҳабибдан сўради:

— Бу ким?

— Фатхуллахўжа деган ошнамнинг синглиси, оти — Пошшахон...

— Юринг, чиқиб кетамиз бу ердан!

— Нега?

— Ўтиргим келмаяпти... Мен турдим, — Нигора ўрнидан қўзғалиб, ташқарига чиқиб кета бошлади. Унинг орқасидан Ҳабиб ҳам қўзғалиб, кетма-кет залдан чиқиб кетишди. Бу совуқ манзарани Пошшахон узоқдан кузатиб турган эди. Ҳабиб у томонга бир қараб қўйди-да, ичида «Ҳаҳ, ифлос, ёмон номардлик қилдинга!» деди. Пошшахон ўтирган жойида «бопладимми?!» деганде бўларди. Ичи куйиб, ғазаб алангасида ёнаётган Нигорага бу келишган нотаниш жувоннинг қилиқлари, у Ҳабибнинг ўйнаши эканини шундоқ очиқ билдириб тургани Нигора кўзига дунёни қоронғу қилиб юборди. Ҳабибнинг икки юзлама шахс экани, гаплари ёлғон, бузуқ бир кимса экани маълум бўлиб қолди. Йигирма беш ёшгача шундоқ юрмаганини, эҳтимол қанча жувонларни кўрганини ўйлаб, бир лаҳзада юрагида унга нисбатан нафрат пайдо бўлди.

Цирк биносидан ташқарига чиқишгач, Нигора бу ерда қатор турган машиналар орасида 10... ТНА, кумуш рангли «Волга» машинани таниб, Ҳабибга «Хайр» ишорасини қилди.

— Сизга нима бўлди? — деди Ҳабиб Нигора йўлини тўсиб, — У... ўртоғимнинг синглиси. Баъзилар шунақа! Ғаши келганидан шундай пасткашлик қилди... Тарбиялик инсон бўлса шундай қилармиди? Менинг гуноҳим йўқ, унинг иғвосига ишонманг!

— Хайр! — деди Нигора алам ичида Ҳабиб юзига бир қараб. Кейин индамай машина томон юрди, Ҳабибнинг иккинчи, учинчи бор ялиниб, илтимос қилганига ҳам қарамай, машина эшигини очдида ичкарига кириб, эшикни қарс ёпди. Машина ғизиллаганча жўнади.

Ҳабиб боягина Нигорани кутиб олган бу зинапоялар устида ғазаб алангасида ёниб, тошга айланган одамдай лол қотди.

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д — 23124.
Р. — 03085.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.